Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҳақиқати

1988 йил 13 ноябрь
ЯКШАНБА
№ 261 (4.460).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин.

МАЖЛИСЛАРСИЗ, ДАБДАБАСИЗ, ҚАРСАКЛАРСИЗ, ҲАЛОЛ МЕҲНАТ БИЛАН ТИКЛАНГАН ХИРМОН

ПОКИЗА ҒАЛАБА

12 ноябрь куни Ўзбекистон қишлоқ меҳнаткашлари пахта тайёрлаш планини бажардилар. Қабул пунктларига 5 миллион 250 минг тоннадан кўпроқ оқ олтин топширилди.

Агросаноат комплекси барча ходимларининг юксак меҳнат ғайрати ва сиёсий активлиги туфайли республика учун муҳим бўлган шундай муваффақиятга эришилди. КПСС XXVII съезди ва Бутуниттифоқ XIX партия конференциясининг бутун ижтимоий турмушни демократиялашга, бошқарувнинг иқтисодий методларига ўтишга, экономикани жадал юксалтиришга ва совет халқи фаровонлигини янада оширишга қаратилган йўлини изчиллик билан рўёбга чиқариш шу муваффақиятнинг негизидир. Барча областларнинг деҳқонлари республика хирмонига муносиб ҳисса қўшдилар. Ленин давлат топшириқларини муддатидан илгари уддалаган Қорақалпоғистон, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё Сирдарё, Тошкент ва Хоразм областлари меҳнаткашларининг ютуқларини алоҳида қайд этиб ўтиш керак. Урта Чирчиқ, Хонқа, Қамаши, Свердлов, Чимбой, Олтинсой, Жиззах районларининг меҳнаткашлари юксак социалистик мажбуриятларини биринчилардан бўлиб бажардилар. Ҳар икки район ва хўжаликнинг бири, бригадаларнинг 70 процентдан кўпроғи план маррасини эбт этди, кўлгина коллективлар эса яқин кунлар ичида шу маррани эгаллайдилар.

Республика деҳқонлари бир неча йиллардан буён ғалаба нашидасини суришмаётган эди. Мана, ниҳоят шундай дамлар ҳам келди! План ҳар қачонгидан кўра эрта бажарилганлиги бу йилги мавсумнинг ўзига хос хусусиятидир. Бироқ пахтакорларга об-ҳаводан кўра меҳнатни ташкил этишнинг пудрат шакллари, экинларни омилкорлик билан парвариш қилиш, аниқ йўлга қўйилган йиғим-терим конвейери, асосий эътиборни фан-техника тараққиётига қаратиш ва техникадан чаққонлик билан фойдаланиш кўпроқ ёрдам берди.

Натижада ҳозирдаёқ гектар бошига 26 центнердан оқ олтин йиғиштириб олинди, Хоразм, Бухоро ва Сурхондарё пахтакорлари эса ҳосилдорликни 30—32 центнерга етказдилар, хом ашёнинг 80 проценти биринчи сортларга қабул қилинди, ҳосилнинг ярми машиналар билан терib олинди. Йиғим-терим мавсумининг тақдирини айнан техника ҳал қилди. Сирдарё ва Тошкент областларининг механизаторлари етиштирилган ҳосилнинг 73 — 79 процентини машиналар билан йиғиштириб олдилар, Ғалаба, Коммунистик, Ворошилов, Зомин, Гагарин, Шеробод, Мирзачўл, Октябрь ва Пахтакор районларининг хўжаликларида эса машинада терилган ҳосилнинг салмоғи унинг 90 процентга қадарини ташкил этди. Кўпгина хўжаликларда комбайнлардан моҳирона фойдаланиш йиғим-теримга мактаб ўқувчиларини, шаҳарликларни жалб этишдан воз кечиш, студентларнинг далада бўлиш муддатини бир ойгача қисқартириш имконини берди.

Қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ҳам дурust натижаларга эришилди. Пиллачилар ўз мажбуриятларини ҳамиша бўлганидек, муваффақиятли адо этдилар. Қайта ишлаш саноатига 34 минг тоннадан зиёд юқори сифатли пилла топширилди. Озиқ-овқат программасини ҳал этишда ижобий ўзгаришлар намоён бўлиб қолди. Республиканинг қабул пунктларига 1 миллион тоннадан кўпроқ дон, шу жумладан 480 минг тонна шоли ва 161 минг тонна маккажўхори топширилди. Шу экинларнинг ҳосилдорлиги ва уларни тайёрлаш ўтган йилги даражадан анча ошди. Сабзавотчилар ва боғбонларнинг астойдил меҳнати мева-сабзавот маҳсулотлари харид қилиш ҳамда уларни етказиб беришни кўпайтириш имкониятини яратди. Чорвачилик маҳсулоти илдам суръатлар билан тайёрланмоқда, давлатга 276 минг тонна гўшт, 821 минг тонна сут, 1 миллиард 240 миллион дона тухум сотилди. Бу ўтган йилгига қараганда 4—9 процент кўпдир. Тошкент, Фарғона, Хоразм ва Наманган областларининг чорвадорлари айниқса муваффақиятли ишламоқдалар.

Беш йиллиннинг учинчи йили поёнига етай деб қолди, Аммо қишлоқ хўжалигида ишлар ҳали камайгани йўқ. Мавсумни тезроқ ниҳоясига етказиш эндиликда деҳқонлар учун асосий вазифадир. Уларни ҳозирдаёқ кечиктириб бўлмайдиган бошқа бир иш кутмоқда— ерларни ўз вақтида шудгорлаш, тупроққа органик ва минерал ўғитлар солиш, далаларни текислаш, шўр ювиш, катта ҳажмдаги мелиорация ишларини бажариш керак. Яхши дам олган ва пухта парвариш қилинган ергина деҳқонга яна мўл-кўл ҳосил беради. Боғ ва тонзорлардаги, полизлар ва теплицалардаги кузги ишларни кечиктириб бўлмайди.

Жамоат чорвачилиги учун қишки ем запасларини тўлдириш, ем-хашак жамғариш планини бажариш, ҳар бир шартли чорва мол ҳисобига камида 16 центнер озуқа бирлигига эга бўлиш ем-хашак тайёрловчиларнинг бурчидир.

Қишловнинг биринчи ойи республиканинг барча фермаларида ҳам бу масъулиятли кампанияга пухта тайёрланилмаганлигини кўрсатди. Ҳозирча кунлар иссиқлигида камчиликларни тезроқ бартараф этиш— биноларни иситиш, фермалардаги машина-механизмларни, электр ва сув таъминотини созлаш керак. Барча озуқа цехлари ва озуқахоналар ҳозир тўла қувват билан ишлаши лозим. Ем-хашакнинг бирор килограмми ҳам молларга тайёрланмасдан берилмаслиги, барча группалардаги чорва рационлари синчиклаб мувофиқлаштирилиши керак. Шундай қилинган тақдирдагина қишловни уюшқоқлик билан ўтказишга, юксак маҳсулдорликка эришишга, йилни муваффақиятли тугаллашга ва келгуси йилги ишларни дадил бошлашга умид боғлаш мумкин.

Бўлажак қиш фасли республика деҳқонлари ва чорвадорларининг катта ўқиш давридир. Уз касбкорига доир билимларни янгилаб ва бойитибгина қолмай, шу билан бирга янги технологияларни, ижара, пудратнинг чуқур асосларини, хўжалик ҳисоби хусусиятларини ҳам ўзлаштириб олиш лозим. Янги йилдан бошлаб республикамизнинг агросаноат комплекси ўзини ўзи пул билан таъминлаш ва ўз харажатларини ўзи қоплаш шароитида ишлашини унутмаслик даркор. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини бошқариш структурасини такомиллаштиришга чуқур ўйлаб ёндашиш керак.



Пахтазор. Лўппи-лўппи очилган момиқ пахта ҳали замон чаноқлардан тошиб кетадигандек. Теримчилару суворийлар тиним билишмайди. Оқ олтин ортилган машиналар карвони қабул пунктларига ошиқади. Бу ерда эса янги-янги буитлар пайдо бўлади. Республика қишлоқларида икки ой мобайнида ана шу манзара ҳукм сурди. Мана, ниҳоят, бугун мурод ушалди: мўлжалдаги хирмон бунёд этилди. Бунда ўзини пахтакор деб билган ҳар бир одамнинг ҳиссаси бор. Айниқса механик-ҳайдовчилар ҳар қанча фахрланса арзийди. Улар бу йилги мавсумнинг ҳақиқий қаҳрамонлари бўлишди. Йўлчи Мамарамов — шулардан бири. Моҳир механизатор ўз агрегати бункеридан кунига 8—9 тоннадан дурдона тўкди. Бугунгача унинг уйган хирмони 120 тоннадан ошди.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ фотолари.





ОБЛАСТЛАР ҲИССАСИ

	ТОННА
СИРДАРЁ	— 715.000
ҚАШҚАДАРЁ	— 550.000
САМАРҚАНД	— 530.000
ФАРҒОНА	— 524.000
СУРХОНДАРЁ	— 490.000
БУХОРО	— 458.000
НАМАНГАН	— 408.000
ТОШКЕНТ	— 407.000
АНДИЖОН	— 405.000
ХОРАЗМ	— 395.000
ҚҚАССР	— 368.000

13 СЕНТЯБРДАН 13 НОЯБРГАЧА

«Қишлоқ ҳақиқати»нинг мавсум ойнаси

Газетамизнинг шу йил 13 сентябрь сонидаги редакцион мақолада барча муштарийлар, пахтакорлар, агросаноат комплекси ходимлари, қишлоқ мухбирларига қарата бундай дейилган эди: «Республикамизнинг 5.250.000 тоннalик улкан оқ олтин хирмонини бунёд этиш ҳал қилувчи паллага кирди. Яна саноқли кунлардан сўнг бепоён далалар жасорат майдонига айланади. Минглаб механизаторлар, теримчилар оқ денгиздек чайқалиб турган пайкалларга чиқадилар, меҳнат баҳси мисли кўрилмаган авжга минади. Ҳар мавсум ўз қаҳрамонларини элга танитади, уларни шарафлайди. Биноборин, меҳнатга яраша шону шуҳрат ҳозирги давримизнинг энг юксак шиоридир. Оқ олтин мавсумини кенг ёритиш, жойлардаги меҳнат муваффақиятлари довруғини зудлик билан барчага етказиш мақсадида редакциямиз «Мавсум ойнаси» ташкил этишга қарор қилди».

Ўшандан буён икки ой ўтди. Шу давр мобайнида мингдан зиёд хат-хабар олиндики, уларнинг асосий қисми газета саҳифаларида ёритилди.

Бугун қувонч билан маълум қиламизки, республикамизнинг оқ олтин хирмони 5 миллион 250 минг тоннадан ошди. Хоразм, Тошкент, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Сирдарё областлари ва ҚҚАССР, 75 та район, юзлаб хўжаликлар ҳамда бригадалар мажбурият ҳисобига оқ олтин топширмоқдалар. Йиғим-терим давом этмоқда, ғалаба рапортлари келиб турибди. Редакцияга тушаётган хатлар шундан далолат беради.

«Китоб районидаги Куйбишев номли колхоз пахтакорлари зиммага олинган мажбуриятни ҳам зиёдеси билан бажардилар, — деб ёзади **Ҳ. Раҳмонов.** — Ватан хирмонига 1.147 гектар майдондан 3.500 тонадан кўпроқ оқ олтин тортиқ қилинди. Ҳосилдорлик гектар ҳисобига 31 центнерга етди. Эришилган ютуққа мавжуд 17 та бригаданинг ҳаммаси муносиб ҳисса қўшди».

Косонлик **М. Мўминовнинг** хабар беришича, Маҳмадиёр Кўзибоев бошлиқ бригада йиллик планни Ленин номли колхозда биринчи бўлиб 5 октябрдаёқ уддалаганди. Ҳозирга қадар 62 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 32 центнердан хирмон уйилди.

Термиз районидаги «Гулбаҳор» совхозида етти йилдан бери қолоқлик ҳукм сурарди.

(Давоми 2-бетда).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

КПСС Марказий Комитети «СССРда миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш тўғрисида» КПСС Марказий Комитетининг 1989 йил ўрталарида бўладиган пленумига тайёргарлик ҳақидаги масалани кўриб чиқди.

Қабул қилинган қарорда қайд этилганидек, қайта қуриш, демократиялаш, ҳуқуқий давлатни барпо этиш шароитида миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш вазифалари алоҳида муҳим аҳамият ва актуаллик касб этиб бормоқда.

СССРда Совет ҳокимияти йиллари мобайнида миллий масалани ҳал этиш борасида тарихий аҳамиятга молик ишлар амалга оширилди. Миллатлар ва элатларнинг амалдаги тенглигини таъминлашда, халқлар ўртасидаги қардошлик муносабатларини мустаҳкамлашда, меҳнаткашларни интернационал руҳда тарбиялашда жуда катта натижаларга эришилди. Бу натижалардан барча совет кишилари ҳаққоний фахрланмоқдалар. Шу билан бирга бу соҳада аста-секин талайгина масалалар йиғилиб қолдики, улар ҳал этилиши зарур.

Шу муносабат билан ҳужжатда ўтмишдан сабоқ олиб, миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришга доир барча ишларни янги даражага кўтариш, ҳозирги босқичда ленинча миллий сиёсатни амалга оширишнинг юксак самарали чора-тадбирлар ишлаб чиқиш вазифаси қўйилади. Энг муҳими социалистик интернационализм, мустақиллик ва масъулият, ўзаро ёрдам ва қардошлик принциплари асосида мамлакатимиз барча миллат ва элатлари манфаатларининг чинакам уйғунлигига эришиш, кўп миллатли иттифоқ давлатимизни мустаҳкамлаш ва янада ривожлантиришни таъминлаш зарур.

КПСС Марказий Комитети Марказий Комитетнинг бўлажак пленумига тайёргарликни барча партия комитетлари ва ташкилотларининг, ҳар бир коммунистнинг ғоят муҳим иши деб ҳисоблайди. КПССнинг XIX Бутуниттифоқ конференциясининг сиёсий йўл-йўриқлари шу ишнинг асосидир. Хусусан, социал соҳада, миллий маданиятни, тилни ривожлантиришда зўр ғайрат билан ҳаракат қилиш, вазиятни чигаллаштирувчи ўткир масалаларни бартараф этиш керак. Етилган муаммоларни ўртага қўйиш ва ҳал этишда ташаббусни қўлдан бой бермаслик, ижтимоий онгда содир бўлаётган жараёнлардан партия ташкилотларининг амалий ишлари орқада қолаётганига барҳам бериш, социализмни янгилашдек умумхалқ ишида чинакам авангардлик позицияларини эгаллаш муҳимдир. Меҳнат коллективларига дадилроқ бориш, одамлар билан рўй-рост гаплашиш, партия йўлини қаттиқ туриб ҳимоя қилиш зарур. Эътиқод кучи ва қонун обрўсига таяниб, табиий миллий туйғуларни вайрон қилувчи миллатчилик ўзанига бурилиб юбориш, демократия ва ошкоралигнинг кенгайтирилишидан демократияга зид мақсадларда фойдаланиш йўлидаги ҳар қандай уринишларга қарши ҳаракат қилинсин. Муштарак интернационал ғалабаларимизнинг обрўсизлантирилишига йўл қўйилмасин.

Иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетларига, КПСС ўлка, область комитетларига, автоном республикалар, автоном областлар ва автоном округларнинг партия комитетларига партия ташкилотларида, меҳнат коллективларида, жамоатчилик вакиллари, олимлар, ёзувчилар, журналистлар билан, шунингдек миллатлараро муносабатларга доир муаммолар устида ишлаётган мутахассислар билан маслаҳатлашиш тавсия этилди. Суҳбатлар чоғида билдирилган фикрларни тўла ҳажмда умумлаштириш, жамиятимизнинг интернационал бирлигини мустаҳкамлашга ва миллатлараро муносабатларни янада такомиллаштиришга қаратилган конкрет таклифларни эътиборга олиш зарур. Совет ҳокимияти йиллари мобайнида миллий масалаларни амалий сиёсатни таҳлил этиш ишларнинг якуни бўлиб қолиши керак. Ана шу таҳлилда бу соҳадаги мавжуд ютуқларни, шунингдек айрим регионларни социал-иқтисодий ва маданий ривожлантириш хусусиятларини, йиғилиб қолган қийинчиликлар ва муаммоларнинг сабабларини акс эттириш лозим. Бунда турли миллий группаларнинг асосий талабэҳтиёжларини амалга ошириш йўлларини пухта ишлаб чиқиш, интеграция жараёнларини ҳам, шунингдек экономика, социал ва маданий тараққиёт, бошқарув соҳасида иттифоқдош республикалар билан автоном тузилмаларнинг мустақиллиги ва масъулиятини ҳам кучайтиришга доир конкрет таклифларни ҳисобга олиш муҳимдир. Аҳоли барча қатламларини, айниқса ёшларни ватанпарварлик ва интернационализм руҳида тарбиялашни такомиллаштиришга оид зарур амалий тадбирлар тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирилсин.

КПСС Марказий Комитети миллатлараро муносабат масалаларини тартибга солувчи амалдаги совет қонунларига зарур ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни тайёрлаш зарур, деб топди. Шу жумладан, совет социалистик федерациясини такомиллаштириш, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг, автоном областлар ва автоном округларнинг ҳуқуқий статусини янада ривожлантириш, ССР Иттифоқи билан иттифоқдош республикаларнинг ҳуқуқ доирасини янада аниқроқ белгилаб қўйиш; ўзларининг миллий давлат тузилмаларидан ташқарида яшовчи ёки шундай тузилмаларга эга бўлмаган совет гражданларининг миллий-маданий талабэҳтиёжларини рўёбга чиқаришда ҳуқуқий кафолатларни кенгайтириш, миллий адоватни авж олдирганлик, ирқий ёки миллий мутозликни тарғиб қилганлик учун жавобгарликни кучайтириш каби муаммолар юзасидан ҳам таклифлар тайёрлаш топширилди. СССР халқларининг тилларини эркин ривожлантириш ва улардан тенг ҳуқуқли фойдаланиш тўғрисида СССР қонунининг лойиҳасини; СССР гражданлиги ҳақидаги қонуннинг янги таҳririни; СССР Конституциясига, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг конституцияларига тегишли ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги таклифларни тайёрлаш билан боғлиқ тадбирлар белгиланди. СССР Олий Совети Миллатлар Советининг янги вазифаларига; зарур ҳолларда ҳар қандай халқ депутатлари Советларида миллатлараро муносабатларга доир масалалар билан шуғулланувчи доимий комиссияларни ташкил этиш тартибига ҳам ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши керак.

Тегишли давлат органлари ва илмий муассасалар қуйидаги муаммоларни чуқур таҳлил этишлари зарур: мамлакат яхлит халқ хўжалиги комплекси системасида иттифоқдош республикалар ва автоном тузилмалар; регионал меҳнат тақсимоти; иқтисодий вазиятни яхшилашда ва табиатдан оқилона фойдаланишни таъминлашда республикалар, иттифоқ ҳамда маҳаллий органларнинг ҳуқуқ ва бурчлари; ҳар бир иттифоқдош республиканинг умумиттифоқ экономикасига реал ҳиссаси, республикалар миқёсида миллий даромаднинг ҳосил қилиниши ва тақсимланиши.

Республикалар билан регионларнинг хўжалик ҳисоби принципларига ўтиш имконияти ва унинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги чуқур таҳлил этилиши керак. Иттифоқдош республикалар ўртасида бевосита алоқаларни ривожлантириш; иттифоқдош республикалар ва автоном тузилмаларнинг кўпроқ хўжалик мустақиллиги билан уларнинг мамлакат умумий эҳтиёжларини таъминлаш учун масъулиятини уйғунлаштириш йўлларини; СССР давлат бюджети билан иттифоқдош республикаларнинг давлат бюджетларини, маҳаллий бюджетларни тузиш ва улардан фойдаланиш механизмини кўриб чиқиш лозим бўлади. Республика ва маҳаллий бошқарув органларининг фаолиятини қайта қуриш; территориал бошқарув органларининг СССР министрликлари ва идоралари билан, иттифоқ қарамоғидаги корхоналар билан самарали ҳамкорлигини таъминлаш зарур.

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институти, Ижтимоий фанлар академиясига ижодий союзлар ва маданият маҳкамаларининг иштирокида КПССнинг миллий сиёсатини идеологик жиҳатдан таъминлаш, миллатлараро муносабатлар назариясини ривожлантириш, миллий маданиятларни равнақ топтириш ва ўзаро бойитиш, ватанпарварлик ва интернационал тарбия соҳасида оммавий ахборот воситаларининг, ижодий ташкилотларнинг ишини такомиллаштириш борасида тегишли таклифларни кенг муҳокама қилиб, ишлаб чиқишни йўлга қўйиш топширилди. Миллатлараро муносабатларга доир долзарб муаммоларни комплекс ўрганувчи илмий тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисидаги таклиф кўриб чиқилсин.

Марказий газеталар ва журналларнинг редакцияларига, республика партия нашрларига, СССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетига миллатлараро муносабатлар назариясига оид масалалар, СССРда ва чет элларда миллий масалани ҳал этиш тажрибаси хусусидаги материалларни кенг кўламда бериб боришни уюштириш, совет республикалари ҳамда автоном тузилмаларининг иқтисодий ва маънавий турмушини доимо ва ҳар томонлама ёритиб бориш топширилди. Жамиятда совет халқларининг интернационал бирлигини, дўстлиги ва қардошлигини мустаҳкамлашга кўмаклашувчи маънавий муқитни вужудга келтиришга алоҳида эътибор берилсин.

Миллий муаммолар билан боғлиқ жамики масалалар юзасидан маҳаллий партия органларига, идеология маҳкамаларига, марказий газеталар, журналларнинг редакцияларига, СССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетига келаётган таклифлар тўғрисида КПСС Марказий Комитети хабардор қилиб турилсин.

Пленумдаги доклад тезислари унинг чақирилишидан икки ой илгари эълон қилинсин.



ПАХТАКОР ШАЪНИГА АЙТИБ ШАРАФ - ШОН,

НИЯТ УСТИВОР

Колхозимиз пахтакорлари жорий йилда ҳар гектар ердан 33,5 центнердан, жами 3.015 тонна оқ олтин етиштириш ниятида эрта баҳорда 900 гектар майдонга чигит экишганди. Бу марра аллақачон эгалланди. План 12 октябрдаёқ, яъни 28 иш кунида адо этилган бўлиб, ҳозирга қадар Ватан хирмонига 3.600 тоннадан зиёд хом ашё тортиқ қилинди. Ҳосилдорлик гектар ҳисобига 40 центнерга етди. Ялпи ҳосилнинг 94 проценти юқори сортларга сотилди. 1.260 тонна ўрнига 1.380 тонна уруғлиқ пахта тайёрланди. Шунга қарамасдан қарийб 1.000 тонна дурдона машиналарда саранжомланди, бу соҳадаги топшириқ ошириб уддаланди. Рашид Комилов, Лутфулла Сирожев каби механик-ҳайдовчиларнинг ҳар бири бункерлардан 80—100 тоннадан оқ олтин бўшатди.

Шуниси қувончлики, 13 та бригаданинг ҳаммаси зафар қучди. Беллашувда айниқса Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ордени соҳиби Низом Шамсиев бошлиқ бригадага ҳеч ким бас кела олмади. Меҳнат аҳли 75 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 34 центнер ўрнига 45 центнердан, 337,5 тонна юқори сифатли хом ашё етиштирди. Асад Тўрақулов, Шайхуддин Латипов, Раҳмат Эсонов ва Ҳалима Қурбонова бошлиқ бригадаларда ҳам катта хирмон уйилди. Бу колективларда топшириқ 125—135 процент бажарилди.

Қўлга киритилган ютуқнинг боиси нимада?

Яқин-яқингача колхозимиз қолоқлар қаторида эди. Масалан, 1986 йили планда белгиланганидан 669 тонна кам пахта тайёрланиб, топшириқ атиги 82 процент бажарилганди. Ишни ташкил этишдаги камчиликлар, турғунлик, собиқ раҳбарларнинг хўжаликни янгича юритиш асосларини билмасликлари шундай ночор аҳволга сабаб бўлган эди, албатта. Бироқ чуқурроқ ўйлаб кўрсак, судралишнинг боиси фақат шулардангина иборат эмас экан. Хусусан, колхозчиларга эътибор, ғамхўрлик кам, ишга муносабат ёмон, ҳатто улар меҳнат ҳақини ўз вақтида ололмайдилар. Деҳқончилик маданияти паст, алмашлаб экишни тўла ўзлаштириш чўзилиб кетаяпти, ердан, сувдан хўжасизларча фойдаланишга барҳам берилмаган. Янги сайланган правление ва партия ташкилоти ана шу муаммоларни ҳал этишга киришди. Бунда аввало кадрларга таянилди. Уларга бир мезон билан, қайта қуришдаги конкрет ишларига қараб баҳо берилди. Ташаббуссиз, тайёрга айёр, журъатсиз раҳбарларнинг баҳридан кечилди. Жумладан, 1-агроучастка, 7, 9, 10, 11-бригадаларнинг бошлиқлари алмаштирилди. Иш пудрат асосида ташкил этилди. Янги усулнинг моҳияти колхозчиларга батафсил тушунтирилдики, якунда уларнинг ҳар бири ўз кучғайратининг пировард мақсадини аниқ-равшан кўриб турса, меҳнат ва унга тўланадиган ҳақ ўртасида бевосита боғланиш борлигини тушунса, ютуқлар салмоғи юқори бўлишига комил ишонч ҳосил қилди.

Маълумки, суғорма деҳқончилик шароитида мелиорация интенсивлашнинг бош омили ҳисобланади. Бу масала меҳнат аҳлининг диққат марказида турди. Хусусан 38 гектар майдон ободон, 88 гектар ер жорий текисланди. Сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш мақсадида жамики ариқ-зовурлар тартибга келтирилди. Майда карталар йириклаштирилди.

Академик Мирзаали Муҳаммаджонов тавсиясига биноан ҳосилдан бўшаган ерлар икки ярусли плуг ёрдамида 40—45 сантиметр чуқурликда сифатли ҳайдалди. Шудгорлаш олдидан 450 гектар майдоннинг ҳар гектарига ўртача 42 тоннадан, жами 18.900 тонна маҳаллий ўғит солинди. Унинг 940 тоннаси қўй қийи бўлиб, бу 15,5 тонна азот ёки 6.600 килограмм фосфорга баравар. Нури фақат ер унумдорлигини, бинобарин, гектар ҳосилдорлигини ошириб, толанинг сифатли бўлишини таъминлаб қолмасдан, балки хўжаликка 20 минг сўм наф келтирди.

Аввалари техника ремонти мавсум бошлангунга қадар чўзиларди. Бунга қатъиян барҳам берилди. Мавжуд машина-механизмлар биринчи февралгача тайёрлов чизиғига келтириб қўйилди. Ҳаммасини сифат комиссияси қабул қилиб олди. Ремонтчи-механизаторларнинг унумли ишлашлари, кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун қулай шароит муҳайё этилгани муваффақиятни таъминлади.

Экиш ҳар йилгидан эрта, саккиз иш кунида ниҳоясига етказилди. Бу юмуш илк марта 90 сантиметрли схемада амалга оширилди. Уруғ билан бир вақтда ерга гербицид ва яна ўғит солинди. Сабаби — чигитнинг ниш уриш ҳамда биринчи чинбарглар пайдо бўлиш жараёнида тупроқда озуқа элементлари, аввало азот ва фосфор бўлиши зарур. Ана шу даврда буларнинг етишмаслиги илдиз системасининг заиф ривожланишига олиб келади. Пировардида ниҳол яхши амал олмайди, кўсакларнинг очилиши кечикади ва ҳатто ҳосилдорлик гектар ҳисобига 2—5 центнер пасаяди.

Ғўза бўй кўрсатиши биланоқ парваришга зўр берилди. Қатор оралари вақтида юмшатилиб, озиқлантирилиб маромида оби ҳаёт таралди. Бегона ўт босишига йўл қўйилмади. Бунда сифат комиссиясининг роли беқиёс бўлди. Унинг аъзолари таомилга кўра мутахассислар бўлмай, балки бутун умри давомида далада меҳнат қилиб, дуру гавҳар етиштирган Туроб Баракаев, Рустам Ҳаитов, Сирож Зиёев, Оллоёр Қурбонов каби пенсионерлар эди. Улар бригадама-бригада кезиб, пайкалларга файз киритдилар.

Бу тадбирларнинг самараси шу бўлдики, 1987 йил якунида 1.009 гектар майдондан 3.700 тонна ўрнига 4.168 тонна оқ олтин саранжомланди. План 111 процент уддаланди. Гектар ҳосилдорлиги 1986 йилгидан қарийб 11 центнер ортди, таннарх 8 сўм 19 тийин арзонлашди. Бунинг эвазига 2 миллион 659 минг сўм ўрнига 3 миллион 411 минг сўм даромад олинди. Рентабеллик даражаси 47 процент ўсди. Колхозчиларнинг ойлик маоши эса 28 процент кўпайди.

Коллективимиз конференция йилида ана шу ютуқни янада мустаҳкамлаш, мўл ва арзон ҳосил етиштириш йўлида янада астойдил меҳнат қилди. Натижада жами майдонда нафақат планни, ҳатто мажбуриятни қоплайдиган даражада хом ашё тўпланди. Уни йиғиб-териб олиш эса уюшқоқлик билан бошланди. Бу юмушга 13 агрегат, 1.100 дан зиёд одам сафарбар этилди. Мусобақа намунали уюштирилгани, илғорлар ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантирилиб борилгани, ҳар килограмм хом ашёга 10—15 тийиндан тўлангани, теримчилар ва механик-ҳайдовчилар ғамхўрлик билан қуршаб олингани туфайли 1 октябрдан 11 октябргача ҳар куни йиллик планнинг 4—4,5 проценти миқдорида пахта тайёрланди. 12 октябрда эса, юқорида айтилганидек, дастлабки довон забт этилди. Ҳозирга қадар топшириқ 122 процент бажарилди. Қўйиндан тўкилса — қўнжига, деганларидек, колхозда пахтачиликнинг ўзидан салкам 2,5 миллион сўм даромад қилинди. Давлатга сабзавот ва полиз маҳсулотлари сотиш планлари ҳам ошириб уддаланди. Шу билан биргаликда социал, маданий-маиший масалалар изчил ҳал қилиняпти. Бу йил 400 ўринли клуб, 120 ўринли болалар боғчаси, 420 ўқувчига мўлжалланган мактаб биноси фойдаланишга топширилди. Турар-жой қурилишига алоҳида эътибор берилаётир.

Колхозчиларимизнинг шижоати баланд, нияти устивор. Улар далалардаги қолган хом ашёни ҳам тезроқ йиғиштириб олиш пайида бўлмоқдалар, айни пайтда келгуси йил ҳосилига пухта тайёргарлик кўрмоқдалар.

Собир АБДУЛЛАЕВ,
Ғиждувон районидаги Ҳамид Олимжон номли колхоз правленияси раиси.



Оққўрғон районидаги «Оққўрғон» совхозининг Улуғбек Айтеков бошлиқ бригадаси азаматлари пахта тайёрлаш йиллик планини биринчилар қаторида уддалашганди. Ҳозирга қадар 105 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 32 центнердан, белгиланганидан 5 центнер кўп оқ олтин йиғиштириб олинди. Эришилган ютуққа механизаторлар муносиб ҳисса қўшдилар. Беллашувда Букабой Аҳмонтоев пешқадамлик қилди. У бугунга қадар пўлат этакдан 120 тонна дурдона тўқди.

СУРАТДА: ғолиб механик-ҳайдовчи Букабой Аҳмонтоев.

Ҳ. АВВАЛОВ фотоси.

МУВАФФАҚИЯТ АРИФМЕТИКАСИ

ХЎЖАЛИК ЯНГИ УСУЛДА ИШЛАШГА ЎТДИ. БУ ҚАНДАЙ НАТИЖА БЕРАЯПТИ?

Олим Нурмонов кейинги йилларда икки маротаба минбарга чиқди. 1986 йилнинг ёзида у бошлиқ звенога қарашли пайкалларни ўт босганлиги, парваришда сусткашликка йўл қўйилаётгани учун ҳамма олдида роса изза бўлди. Эсига тушса, ҳалигача иситмаси кўтарилади. Шу йилнинг бошида эса раис уни бутун хўжалик аҳлига ибрат қилиб мақтагач, қўлига 8 минг 800 сўм пул тутқазди. Бу унинг 1987 йилги устама иш ҳақи ва мукофоти эди.

— Ўтган даврда бир нарса ўзгарди, — дейди О. Нурмонов. — Наряд асосида ишлашдан оилавий пудратга ўтдик. Правление билан тузилган шартнома асосида тегишлича ер олганмиз. Унинг хўжайини ўзимиз. Бутун харажатлар ҳисоблаб чиқилган: тежасак — 40 фоизи ёнда қолади, ортиқча сарфласак — даромадимиздан кирқилади.

Бор гап шу, яъни янги усулнинг моҳияти ана шундай қисқа ва оддий. Лекин у деҳқонга ерга соҳиблик ҳиссини қайтариб берди. Нурмонов энди аввалгидай ҳамма қатори наридан-бери ишламайди. Фаолиятининг негизи сифат ва тежамкорликка қурилган. Бу эса ишга муносабатни тубдан ўзгартириб юборди. Илгари пайкал 6—7 марта ўтдан тозаланса-да, қайтадан ўсиб чиқаверарди. Ҳозир иккинчи чопиқдан кейнин уни излаб топиш амри маҳол.

Нурмонов келини, ўғли ва қизи билан биргаликда юқори натижаларга эришаяпти. Жорий йилда 5 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 50 центнердан оқ олтин олинди. Хом ашёнинг ҳаммаси агрегатлар ёрдамида саранжомланди.

Бу Навоий районидаги Охунбобоев номли колхоздан ягона мисол эмас. Хўжалик ўтган йилдан бошлаб тўласинча оилавий пудрат асосида ишлаяпти. Унинг самараси бу гал айниқса яққол намоён бўлмоқда. Ватан хирмонига 4 минг тонна хом ашё тортиқ қилинди.

Бунда эски қўшиб ёзиш касалининг таъсири йўқмикин? Экин майдонлари белгиланганидан ортиқча эмасми?

— АслО! — дейди правление раиси Аҳад Хайруллаев қатъий оҳангда. — Пахта пунктининг ҳақамлари тарози шайинини шундай созлашганки, уларни алдаб бўпсиз. Қайтанга пахтанинг ифлослиги, хомлиги учун уриб қолишгани қолишган. Ҳар тоннадан ўртача 100 килограммдан ҳосил йўқотаяпмиз.

— Ортиқча ер бўлишининг ҳам ҳеч иложи йўқ, — суҳбатга қўшилади бригадир Файзулла Ўринов. — Унинг ҳар каричи ҳисобда. Юқори органлар, пахтакорларнинг ўзлари назорат қилишади.

Оила пудрати деҳқонда нафақат ерга соҳиблик туйғусини, балки механизацияга муносабатни ҳам ўзгартирмоқда. Шу боисдан колхоз бу йил қўшимча 10 та зангори кема сотиб олди, уларнинг сони 32 тага етди.

Механизаторлар ҳам ишончни оқламоқдалар. Б. Назаров, Ж. Файзиев, Э. Бобоёров, Р. Норов каби суворийлар ҳозирга қадар бункерлардан 180—210 тоннадан пахта бўшатишди. Натижада колхоз тарихида илк бор жами ҳосил ҳашарчиларсиз, мактаб ўқувчиларининг ёрдамисиз, ўз кучлари билан йиғиштириб олинди. Албатта, правление, партия, касаба союз ташкилотларининг ташкилотчилиги, ташаббускорлиги, оқилона иш юритишлари ҳам ютуқни таъминлашда муҳим моҳият касб этди.

А. ҚОРЖОВОВ.

РАҚАМЛАР ТИЛГА КИРГАНДА

ёки статистика ходимлари шаънига уч-тўрт оғиз ширин сўз

Гапнинг очиғи — Статистика давлат комитетининг пахта тайёрлашнинг боришига доир маълумотларини ҳар гал кўздан кечирганимда баъзи одамларнинг ҳисобчилар, бухгалтерлар, иқтисодчилар, ҳуллас, рақамлар билан иш кўрадиган ходимлар қуруқ, зерикарли одамлар бўлишади, деган фикри бутунлай нотўғрилигига, ҳеч ўйламай айтилганига ишонч ҳосил қиламан. Биласизми нега?

Маълумотни диққат билан ўқиб чиқинг, хаёлга берилинг: у сизга кўп нарсалардан ҳикоя қилади. Рақамлар тилга киради, плакатнинг оташин ҳайқириғини эшитгандай бўласиз, тарих солномасининг сокин ва сирли сатрларини ўқийсиз, муросасиз сатира вужудингизни куйдиради, нафис лирика қалбингизни илиқ ҳис-туйғуларга тўлдириб, ширин хаёлларга чўлғайди. Ҳа, сиз билан биз ҳар куни радиодан эшитиб, газеталардан ўқиб келаётган энг оддий маълумот кўп нарсага қодир!

Левитаннинг салобатли овозида бутун оламга таралган Совинформбюро маълумотларини эслайдизми? Уларни одамлар илма-тешик бўлиб кетган газеталардан бир амаллаб ўқиб олишарди. Ўша маълумотлар Улуғ Ватан уруши жанггоҳларидаги аҳволни, фашист босқинчиларнинг қаласига дош беролмаган қўшинларимизнинг қадамба-қадам алам билан орқага чекинишларини, сўнгра эса Берлинга қадар босиб ўтган ғолибона йўлини қанчалик аниқ акс эттириб турган эди.

Ҳозирги тинч кунларда пахта далаларидан олинаётган маълумотларни ҳам худди ўша жанговар, шинелли йиллар хабарларига қиёслаш мумкин. Йиғим-терим мавсуми бошланиши билан биз қўлга газета олган заҳоти биринчи саҳифада босилган маълумотга кўз югуртиришга одатландик. Пахта жабҳасидаги ишлар қандай бораяпти? Шундай бўлиши табиий эди — бутун республика пахта ҳаёли, пахта ҳаёти билан, оқ олтин мавсумининг томир уришига моманд яшай бошлайди.

Маълумот! У ҳосил учун олиб борилаётган улуғвор курашдан, унинг энг муҳим жанггоҳларидан — республиканинг барча колхоз ва совхозларидан умумхалқ эътибори учун ҳавола этилади. Бу йил биринчиси газеталарда 2 сентябрь куни босилиб чиқди. Ундан бир, юздан бир процент — йиғим-теримнинг дастлабки бир кунлик суръати ана шундай эди. Худди эндигина тетапоя қилаётган, эрта-индин чопқиллаб юриб кетадиган гўдакнинг ҳаракатидек туюлганди менга ўшанда.

Кунлар ўта борди. Тошкент области бирданига суръатни ошириб юборди. «Асосий кучлар — зангори кемалар жангга ташланибди-да», — деб тездан хулоса чиқаришди одамлар. Дала суворийлари — механизаторларга шон-шарафлар бўлсин! Яна суръатга суръат қўшилди. Энди далага янги кучлар олиб чиқилганди — студентлар қўл жангига киришгандилар. Ҳамиша бардам, ҳамиша қувноқ, энг қийин дақиқаларда ёрдамга доим тайёр ёшларга — шон-шарафлар!

Ёмғир ёғиб ўтган кундан кейин берилган маълумотни эслайман. Суръат бирданига пасайиб кетди. Умуман олганда бу йилги куз пахтакор учун ҳар қачонгидан қулай келди, қуёш кулиб боқди. Терим суръати яна аста-секин кўтарила борди.

Газета тахламларини кўздан кечириб, бутун мавсум давомида бериб борилган маълумотларни таҳлил этарканман, уларни аввалга субҳидам чоғидек сокин бошланиб, бора-бора авжига чиққан жўшқин музикага қиёс қиламан. Ўша юздан бир, ўндан бир процентлар кун сайин кўтарилиб 1 октябрда қарийб уч процентга етди. Республика шу куни 155 минг тонна пахта тайёрлади.

Маълумот худди компьютер хотирасига ўхшаш кичик ҳажмли, аммо республика ҳаётининг ёрқин саҳифаси. Ёнма-ён қўйилган иккита маълумот эса ҳаёт ривожи, ўсишининг ифодаси. Биттасидан қаердадир йиғим-терим механизмининг бирон-бир мурвати ишдан чиққанлиги ёки хатолар ва камчиликларга йўл қўйилганлиги сезилиб турса, иккинчисида ҳамма носозликларга барҳам берилиб, ўша механизм тўла қувват билан ишлаётганига ишонч ҳосил қиласан киши.

Ҳар бир маълумот — катта йўлнинг бир босқичи, баланд зинанинг бир поғонаси. Ана шу зинадан аста-секин кўтарилиб 5.250.000 рақамини тарих саҳифасига зарҳал қилиб ёздик.

Аммо бунгача анча йўл босишга тўғри келди. Ўша юздан бир, ўндан бир процентлардан юз процентни ҳосил қилиш зарур эди. Ҳар бир процент эса 52 минг 500 тонна деган гап!

Рақамлар кўп нарсалар ҳақида ҳикоя қилиб бериши мумкин. Энг муҳими — улар ортида одамлар бўлади. Икки карра икки тўрт бўлганидек, уларда психологиянинг олий математикаси, дала заҳматкашларининг ўзини ўзи англаши мужассам. Ўша юз процент қўлга киритилмагунча қанча санаманг — фойдаси йўқ, барибир план тўлмайди. Бунга эса социалистик мусобақа, меҳнат баҳси туфайлигина эришилади. Мен ҳамиша газеталарда босилган маълумотларга кўз югуртирганимда рақамлар орқасидан бутун бўй-бастн билан одамлар кўринишади. Ҳа, бугунги ғалабамизни таъминлаган, йил — ўн икки ой тиним билмай тер тўкиб ғўза ўстирган, ҳосил етиштирган ўша оқ олтин усталари, ажойиб одамларни кўраман.

Рақамлар кўп нарсага қодир. Баъзан уларда Шекспир асарларидаги ғожиали воқеалар, баъзан эса суд протоколидаги қатъий ҳукм ўз ифодасини топган бўлади. Ёдимизда; яқин-яқинларда қатъий ва аниқ статистика тўғри йўлдан тойиб кетган, икки карра икки беш бўлиб қолган, осмондаги рақамлар мартабали кишиларни ғанг-тиб қўйган, уларга олтин юлдузлар, орден ва медаллар, фахрий унвонлар, бошқа неъматлар ваъда қилганди. Рақамлар ҳақиқат ўрнига сохталикдан гувоҳлик берарди. Қўшиб ёзишлар, алдам-қалдамлик, нопоклик даври, мингдан-минг шукур қиламиз, ўтиб кетди. Рақамлар худди далил сингари ўжар нарса, уларга қарши туриш қийин. Ҳақиқат сўзи қўшиб ёзишлар, сохта маълумотлардан устун келди. Биз ҳисоб-китобдан адашиб кетилган ўша йилларни ҳали кўп эслаб юрамиз. Инқилобий қайта қуриш алгебраси туфайли социалистик камолотга ҳаммамизда ишонч ва умид уйғонди.

Рақамлар... Улар аввалига ёнма-ён саф тортиб биринчи миллион тонна пахта тайёрланганидан барчани огоҳ этишди. Бу 24 сентябрь куни бўлган эди. Улуғ Октябрнинг 71 йиллиги арафасида эса 5 миллион тонналик хирмон кўтарилди. Мана бугун кўпдан буён орзу қилинган баланд чўққига чиқдик.

Йиллар ўтади, келажакда тарихчилар ҳозирги кунлар солномасини ана шу маълумотларга қараб ўрганадилар. Улар пахтакорларимизнинг меҳнатсеварлиги ва гражданлик жасоратига қойил қолишса, тасанно айтишса, ажаб эмас.

Владимир ЗИМЕНКО.

ТОЛАСИ ТИЛЛО

Йиғим-терим мавсуми заршунослар билан бир қаторда биз — пахта тозаловчилар учун ҳам энг масъулиятли палла ҳисобланади. Корхонамиз йил давомида қувончли техникавий-иқтисодий кўрсаткичларга эришиши кўп жиҳатдан ҳосилни қабул қилиб олиш, қуритиб-тозалаш, яхши сақлаш ва сифатли қайта ишлашга боғлиқ. Заводимиз ишчилари, инженер-техник ходимлари бу йилги мавсумга катта тайёргарлик кўрганликлари туфайли йиғим-теримнинг энг қизғин дамларида ҳам оқ олтин карвонлари маҳтал бўлиб қолмади.

Бу йил Жарқўрғон ва Қумқўрғон хўжаликларидан 56 минг тонна хом ашёни қабул қилиб олишимиз кўзда тутилганди. Йиғим-теримнинг дастлабки кунлариданоқ Жарқўрғон районидаги Норали Боймуродов, «Коммунизм», «Социализм», «Партия XXII съезди» колхозларидан намлик ва ифослик даражаси нормативдан ошмайдиган пахта етказиб бериш йўлга қўйилди. Бу хўжаликларда ғўзанинг баргини тўктириш, пайкалларни машина теримига тайёрлаш ва бошқа тадбирлар кўнгилдагидек ўтказилганлиги туфайли зангори кемалар юксак унум билан ишлатилиб, ҳом ашёнинг сифатли бўлишига эришилди. Аъло тола олиниши заршуносларга ҳам, корхонамиз коллективига ҳам катта манфаат келтирмоқда.

Шу ўринда 1987 йил ҳосилини қайта ишлашда яхши натижаларга эришилганлигини таъкидлаб ўтмоқчиман. Тўқимачилик корхоналарига етказиб берилган толанинг асосий қисми аъло сифатли бўлганлиги учун ишчи-хизматчиларимизга 60 минг сўм мукофот берилди. Абдуҳаким Юсупов, Ҳасан Эшпўлатов сингари бригада бошлиқларимиз, бош механик Бегимқул Шойимқулов, бош энергетик Тошпўлат Мисиров уч-тўрт ойлик маош миқдорида рағбатлантирилдилар.

Келгуси йил ҳосили кўп жиҳатдан сара уруққа боғлиқлигини ҳисобга олиб биринчи терим ҳосилидан 8 минг тоннани шу мақсадга ажратдик. Унда «Т — 14» навли пахтанинг биринчи ва иккинчи репродукцияли уруғи олинади. Дастлабки қайта ишланган пахта толасидан 2 минг тоннадан зиёди Югославия, Руминия, Болгария, Чехословакия мамлакатларига етказиб берилди.

Корхонамиз билан Японияда-ги фирмалар ўртасида шартнома тузилган. Биз бу мамлакатга 400 тоннадан зиёд ипак пахта толасини жўнатдик. Шунинг ҳисобига заводимиз энг замонавий техника воситалари, чунончи, пахта тойларини вагонга юклайдиган автокар, автокран, хом ашёнинг намлик ва ифослик даражасини тезда аниқлаб берадиган электрон машина, ишчи-хизматчиларимиз учун микроавтобус, келгусида барпо этиладиган профилакторий-санаторийга медицина асбоб-ускуналари олинади. Демак, деҳқонларимиз пешона тери эвазига етиштираётган пахта чет эл фирмалари томонидан ҳам эътироф этиляпти. Толаси тиллога тенг деб бежиз айтилмаган.

А. ИБОДУЛЛАЕВ,
Жарқўрғон пахта тозалаш заводи директори.

МАЖБУРИЯТ БАЖАРИЛДИ

Хатирчи районидаги «Оқ олтин» колхози пахтакорлари социалистик мажбуриятни ҳам бажардилар. Она-Ватан хирмонига 2.500 тонна сифатли хом ашё армуғон этилди.

Хўжалик меҳнаткашлари бу йил ҳар қачонгидан фидокорона ишладилар. Натижада йиллик план илғорлар қаторида адо этилди. Ўшанда мавжуд 840 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 25 центнердан ҳосил олинганди. Бугунга қадар ҳосилдорлик кўрсаткичи 30 центнердан оширилди. Очил Мавлонов, Нормурод Ҳусанов, Бобоқул Очилов, Мамарўзи Ҳакимов, Боли Рустамов бошлиқ бригадаларда гектаридан 31—35 центнердан оқ олтин йиғиштириб олинди.

Жорий мавсумда айниқса механик-ҳайдовчилар шижоат кўрсатдилар. Йиғим-теримнинг қизғин кезларида машиналар билан 4,5 процентдан ошириб дурдона саранжомланди. Мавсум бошидан буён пўлат этаклардан тўкилган хом ашё 2 минг тоннадан ошиб кетди. Механизаторлар ўртасидаги мусобақада Нуриддин Равшанов, Абдурауф Рўзиқулов, Чори Рўзимуродов, Абдуғани Ўлжаев, Йўлдош Болиев каби суворийлар илғорлик қилишди. Улар бункердан 180—200 тоннадан пахта тўкдилар.

Колхозда даладаги ҳосилни сўнгги мисқолларигача йиғиштириб олиш билан бирга кузги-қишки тадбирлар бошлаб юборилди.

Ҳ. ҲАҚБЕРДИЕВ.

13 СЕНТЯБРДАН 13 НОЯБРГАЧА

(Боши 1-бетда).

Жорий йилда меҳнат аҳли зафар қучди. 1.778 гектар майдондан 3.600 тонна хом ашё тайёрланди. Эшниёз Ҳайдаров, Барот Менглиев ва Қувват Холмуродов бошлиқ бригадаларда гектар ҳосилдорлиги 25—28 центнерни ташкил этди. Янгиобод районидаги «Қизил Ўзбекистон», Хонқа районидаги «Правда колхозларида, шунингдек, Қува районидаги Энгельс номли колхознинг Рўзимат Эгамов, Ғиждувон районидаги «Пахтаобод» колхозининг Иброҳим Жалилов, Боёвут районидаги «Ғалаба» совхозининг Остонақул Ирисқулов, Муборак районидаги «ВЛКСМ 60 йиллиги» совхозининг Фармон Рустамов, Шовот районидаги «Москва» колхозининг Сафарбой Жумабоев, Олтинкўл районидаги Куйбишев номли колхознинг Дилором Ражабова, Учқўрғон районидаги «Учқўрғон» совхозининг Саида Эшонхўжаева, Янгийўл шаҳрига қарашли «Партия XXI съезди» колхозининг Эргашбой Мирзаев бошлиқ бригадаларида ҳам конференция йилида ҳар қачонгидан мўл хом ашё етиштирилди. Бу ҳақда газетхонлардан **Р. Тўрақулов, Ҳ. Турдиев, М. Ҳасанов, Ш. Қорабоев, С. Ўринова, Й. Бобоев, Н. Жабборов, Р. Отахонов, Э. Эргашев, Р. Хўжаева ва С. Умрзоқова** ёзиб юборишган.

Меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг илғор усуллари— бригада, айниқса оила ва ижара пудрати жорий этилган коллективлар тажрибаси шуни кўрсатдики, барча майдонларда эртаги ва мўл ҳосил тўпланди, терим уюшқоқлик билан ўтказилди, план ва мажбурият муддатидан илгари адо этилди. Олтиариқлик **А. Нурматов,** кировлик **В. Олимов,** қувалик **К. Шарофиддинов,** хатирчилик **Ҳ. Назаров,** пайариқлик **Т. Абдуллаев,** сирдарёлик **Қ. Ҳожиев,** навоийлик **А. Бегматов,** амударёлик **Х. Отамуродов,** олтинкўллик **М. Абдуллаев**лар юборган хатларда синалган ана шу усулнинг афзалликлари қаламга олинади.

Бу йил республикада 2 миллион 560 минг тоннадан зиёд оқ олтин машиналарда йиғиштириб олинди. Бунда дала гвардиячиларининг салмоқли улуши бор. Масалан, Яккабоғ районидаги «Ленинизм» колхозининг Аҳмаджон Ёмғиров, Рашид Абдураҳмонов, Паст Дарғом районидаги «ВЛКСМ 60 йиллиги» совхозининг Раббим Ҳайдаров, Нафас Қозоқов, Москва районидаги «Октябрь» колхозининг Неъмат Маъмуров, Тоҳир Ғуломиддинов, Тўрткўл районидаги Димитров номли колхознинг Рейимбой Оллаберганов, Гагарин районидаги А. Набиев номли совхознинг Қобил Сариев, Мурод Тангматов, Гулистон районидаги «Октябрь» колхозининг Исмат Болбоев каби суворийлари мавсумда бункерлардан 120 — 230 тоннадан дурдона тўкдилар. Уларнинг бу жасоратларини **А. Каримов, Ж. Ўлмасов, Т. Тожибоева, Ж. Аширов, Н. Тоғайназаров, Е. Бегижонова**лар ўз мактубларида мадҳ этишган.

Меҳнатга ҳақ тўлашга янгича ёндашилгани, яъни терилган пахтанинг ҳар килограммига 15 тийиндан тўлангани ҳам яхши самара берди. Кўпмингкилограммчилар ҳаракати кенг қулоч ёйди, юзлаб чеварлар ҳозиргача 8— 10 тоннадан оқ олтин тердилар. Уларнинг меҳнатлари таҳсинга лойиқ, албатта. Газетхонлардан **И. Қосимов, О. Каримова, Ш. Боқиев** ва бошқалар пахтазорларда жавлон урган дала юлдузларининг ютуқлари ҳақида мақолалар йўллашган.

Редакция «Мавсум ойнаси»да ўз материаллари билан қатнашган барча жамоатчи мухбирларга миннатдорчилик билдиради, улардан янги хат-хабарлар кутади.

Яккабоғ районидаги «Правда» пахта тайёрлаш пункти ходимлари фидокорона меҳнат қилиб, оқ олтин карвонларининг маҳтал бўлиб қолишига йўл қўймадилар. «Шарқ юлдузи», «Правда», «Марксизм», Ульянов номли колхозлардан 10 минг тоннадан зиёд хом ашё қабул қилиб олинди. Пункт коллективи шу кунларда пахтани яхши сақлаш ва қайта ишлаш корхонасига нестнобуд қилмай етказиб бериш чораларини кўрмоқда.



СУРАТЛАРДА: 1. Тайёрлов пункти лабораторияси мудири Р. Бухорова (ўртада) хом ашёнинг намлик ва ифослик даражасини аниқлаш учун намуна олаяпти. 2. Оқ олтин хирмонлари.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ фотолари.

ЗАРЛАР СОЧДИ ЖАЙХУН, САЙХУН, ЗАРАФШОН!

Бу йил пахтачилик учун қулай келди. Баҳорда экиш-тикиш ишларини ўз вақтида ва сифатли ўтказиб олдик. Чўлқуварлар униб чиққан ҳар туп ниҳол атрофида парвона бўлдилар. Ғўзага биринчи ишлов беришдан тортиб дефолиация қилишгача — барча тадбирлар кўнгилдагидек амалга оширилди. Бир неча йиллик қолоқликдан сўнг юзимиз ёруғ бўладиган даражада ҳосил яратилди. Улуғ Октябрь инқилобининг 71 йиллик байрами арафасида давлатга 50 минг 480 тоннадан зиёд чўл дурдонаси топширдик. Машина терими плани 104 процент бажарилди. Зангори кемалар бункерларидан мўлжалдаги 37 минг тонна ўрнига 38,5 минг тонна пахта тўкилди. Мавжуд 580 та машинанинг ўртача унумдорлиги 70 тоннаданга тўғри келди. Бу ўтган йилгига нисбатан 10 минг тоннага кўп.

Янгиер шаҳар партия комитети, халқ депутатлари район Совети ижроия комитети йиғим-теримни уюшқоқлик билан ўтказишга алоҳида эътибор бердилар. Мавсум арафасида ишнинг тез ва сифатли ўтказилишини таъминлайдиган амалий тадбирлар белгиланди. Райжроком аъзолари, халқ депутатлари зиммасига алоҳида масъулият юкланди. Партия комитетлари, касаба союз ташкилотлари ғоявий-сиёсий, идеологик ишларни кучайтирдилар. Инсон омилига алоҳида эътибор берилди. Механизаторлар, теримчилар, хуллас, мавсумнинг барча иштирокчиларига баракали меҳнат қилиш ва кўнгилли ҳордиқ чиқариш учун имконият яратилди.

Чўл шароитида механизация асосий куч ҳисобланади. Айниқса Меҳнатобод зонасида ишчи кучи танқис. Бутун эътибор машина теримига қаратилган. Шу боис «Страна Советов», «Пахтакор», «Янгиер» совхозлари миришкорлари пахтани машинабоп қилиб ўстиришга эришдилар ва районда биринчилардан бўлиб зафар маррасини эгалладилар. Ғанишер Юнусов номли, Ҳамза номли совхоз механизаторлари ҳам бункерлардан ҳар йилдагидан кўп хом ашё тўкдилар.

Байрам арафасида йиллик планларини 117 фоизга етказган «Пахтакор», 116 процентдан оширган «Страна Советов», 115 процентга адо этган «Янгиер», социалистик мажбурият ҳисобига маҳсулот топшираётган «Мирзачўл», «Ленинград», Ғанишер Юнусов номли совхозлар заршунослари умумий хирмонимизнинг юксалишига баракали ҳисса қўшмоқдалар.

Ҳар мавсумнинг ўз қаҳрамонлари бўлади. Жорий йилда «Ленинград» совхозининг Эшбой Жуманов, Абдуолим Нишонқулов, «Москва» совхозининг Икром Худойбердиев, «Янгиер» совхозининг Эргаш Маманазаров, «Страна Советов» совхозининг Абдуфаттоҳ Тожиматов сингари дала гвардиячилари 150—180 тоннадан пахта терib, ҳамкасблари ўртасидаги ўзаро меҳнат баҳсида байроқдор бўлдилар.

ДОҒ ЮВИЛДИ

Муваффақиятга эришишимизда оила ва звено пудрати ниҳоятда қўл келди. Янгиликни жорий этишда Меҳнатобод зонаси хўжаликлари ташаббус кўрсатдилар. Шу йўл билан ишчи кучи етишмаслигига деярли барҳам берилди. Йиллар давомида камҳосилли ҳисобланиб келган ерлардан баракали хирмон яратилди.

«Страна Советов» совхозидан Равшан Ҳожиев бошчилигидаги пудратчи звено 64 гектар ердан пландаги 15,4 центнер ўрнига 30 центнер, Ҳанифа Ёқубова звеноси эса 40 гектар майдондан 14 ўрнига 22,2 центнердан ҳосил етиштирдилар. Дзержинский номли совхоздан Нишон Қаҳҳоров, Қўзибой Каримов, «Янгиер» совхозидан Икром Эгамбердиев, Ғанишер Юнусов номли совхоздан Абдуназар Жўраев, Турғун Аҳмедов номли совхоздан Қўчқор Ботиров бошлиқ пудратчилар белгиланган планларини 150—170 процентдан адо этишди.

Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси йили районимиз меҳнаткашлари учун қутлуғ келди. Ер шароити ниҳоятда оғир бўлган Меҳнатобод зонаси хўжаликлари 1986 йилда 20 минг гектар ердан 18 минг тонна, яъни 9 центнердан ҳосил қўтарган бўлсалар, 1987 йилда 18 минг гектар ердан 21 минг тонна, жорий йилда эса 17 минг гектар майдондан 22,5 минг тонна ҳосил олдилар. Уч ярим минг гектар ерга бошқа экинлар экилди. Ялпи ҳосил ер майдони қисқарган бўлишига қарамай 4,5 минг тонна ортди. Агар 1986 йилда ғўза парвариши даврида четдан 6,5 минг нафар ёрдамчи жалб этилган бўлса, бу йил бирорта ҳам ёрдамчи олинмади. Бу ҳам пудрат шарофатидир.

Мўл ҳосил етиштириш ва уни ўз вақтида йиғиб-терib олишда район Советининг депутати, «Пахтакор» совхозининг директори Маърифат Мавлонова катта ташкилотчилик ишларини олиб борди. Икки йил ичида мазкур хўжалик оғир аҳволдан олиб чиқилди. Ҳосилдорлик 4 процент ошди. Бу йил совхоз аъзоматлари районда биринчилардан бўлиб давлат планини бажардилар.

Пахтапарвар депутатларимиз кўп. Ҳамза номли совхоз бригада бошлиғи, район Советининг депутати Салим Қувватов, «Ленинград» совхози бригадири, эндиликда комсомол ташкилотининг секретари бўлиб ишлаётган қишлоқ Советининг депутати Нурали Мадалиев ва бошқалар ишлаб чиқариш суръатларини ўстиришга муносиб ҳисса қўшиш, билан бирга халқ вакили сифатидаги жамоатчилик топшириқларини ҳам сидқидилдан адо этмоқдалар.

Районимиз меҳнаткашлари Улуғ Октябрь байрамини деҳқончилик ва чорвачиликнинг бошқа соҳаларида ҳам ажойиб зафарларни қўлга киритиш билан кутиб олдилар. Давлатга пилла, сабзавот маҳсулотлари сотиш плани ортиғи билан адо этилди. Гўшт, сут, тухум топшириш ўн ойлик планлари ҳам муддатидан аввал бажарилди. Айни кунларда далалардаги сўнгги мисқолларни териб олиш билан бирга кузги-қишки ишлар ҳам қизғин олиб борилаяпти. Азамат механизаторларимиз ҳадемай пахтадан тозаланган далаларни шудгорлашга киришадилар. Мақсадимиз улуғ — келаси йил инқилоб байрамини янада улкан муваффақиятлар билан кутиб олишга астойдил бел боғлаганмиз.

М. ИСАЕВ,
халқ депутатлари Янгиер район Совети ижроия комитетининг раиси.

Ильич районидаги Ғафур Ғулом номли совхознинг Пўлат Қарашов бошлиқ бригадаси заршунослари оила пудратида ишлаб, мўл ва арзон пахта етиштирдилар. Ҳосилдорлик гектар ҳисобига 27,7 центнер ўрнига 32 центнерни ташкил қилди. Унинг асосий қисми машиналарда саранжомланди. Бунда механик-ҳайдовчилардан Раҳматулла Ғайбуллаев ва Абдумурод Турсунбоев алоҳида ибрат кўрсатишди. Улар мавсумда 155 тоннадан хом ашё тердилар.

СУРАТДА: пешқадам суворийлар Раҳматулла Ғайбуллаев ва Абдумурод Турсунбоев.

Ф. ЛУТФУЛЛАЕВ фотоси.

СИРДАРЁ ЭГАЛЛАГАН ЧЎҚҚИ

ТЎЛА МУСТАҚИЛЛИК САМАРАСИ

Хўжалигимиз иқтисодий жиҳатдан бақувват ҳисобланади. Бунга барқарор равишда мўл, арзон, сифатли пахта етиштираётганимиз, бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмини кўпайтираётганимиз туфайли эришилмоқда. Шубҳасиз, пахтачилик — экономикамизнинг асосий соҳаси. Шу боисдан тармоқни жадал ривожлантириш, илғор тажриба ва замонавий усулларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш тадбирлари кўрилмоқда.

Биз районда биринчи бўлиб чигитни пуштага экишга ўтдик. Бу йил ҳосил эртаги ва мўл бўлганлигининг омилларидан бири шу деб ўйлайман. Сабаби — пушта уруғни дўл ва ёмғирлардан сақлар экан. Қолаверса, уруғ тез унib чиқади. Парвариш давомида бажариладиган тадбирлар енгил кўчади. Бинобарин, ёзги юмушларни оби-тобида ўтказдик.

Йилнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, одатдагидек юқоридан ҳар хил кўрсатмалар бериш, буйруқбозлик кескин камайди. Раҳбар ташкилотлар ишимизга ҳуда-беҳуда аралашмадилар. Натижада пахтакорларимиз мустақил равишда, ижодий меҳнат қилдилар.

Маълумки, деҳқон ҳаётида кузги мавсумнинг масъулияти ўзгача. Йиғим-терим доимо пухта тайёргарлик кўришни тақозо этади. Буни колхозчиларимиз яхши биладилар. Шунинг учун мавсумга ўз вақтида ҳозирлик кўрдик. Ҳосилни қисқа муддатларда, тез ва соз йиғиштириб олиш тадбирлари белгиланди. Айниқса шу ўринда социалистик мусобақа кенг, ошкора йўлга қўйилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Беллашув ҳар беш кунда якунланиб, ғолиблар моддий ва маънавий рағбатлантириб борилди. Мавсум иштирокчилари билан ҳар ўн кунда ҳисоб-китоб қилинди. Участкалар ўртасида шундай мукофотлар қўйилди: планни ҳаммадан аввал бажарганга 700 сўм, иккинчи ўринга 600 сўм, учинчи ўринга 300 сўм. Буларнинг ҳаммаси мавсумни уюшқоқлик билан ўтказиш имконини берди.

Колхозимиз давлатга сотган пахта 6.900 тоннадан ошиб кетди. Лекин йиғим-терим бўшаштирилгани йўқ. Далалардаги сўнгги мисқолларни йиғиштириб олиш қизғин давом этмоқда. Айни кунларда кўрак узиш механизмлари ишлатилаяпти. Аммо уни ҳамма ҳам хушламаяпти. Сабаби шуки, биринчидан, бу агрегатлар деҳқон талабига жавоб бермайди, кўсакни ғўза шохлари билан қўшиб узади. Иккинчидан, улар ёрдамида терилган ҳар тонна пахтани қабул пунктига 100 сўмга ўтказаяпмиз, холос. Ҳолбуки, қўлда терилганини 370 сўмга олишади.

Яна бир муаммо ҳақида тўхталмоқчиман. Маълумки, ҳозир амал қилаётган давлат стандарти нормалари 35—40 йил илгари жорий этилган. Бу орада озмунча ўзгаришлар бўлмади. янги навлар экилмоқда. Пахтакор меҳнати толага қараб баҳоланмоқда. Бинобарин, стандарт талабларини қайтадан кўриб чиқиш керак.

Областимиз пахтакорлари эришган бугунги зафарда колхозимиз заршуносларининг муносиб улушлари борлигидан фахрланамиз. Олдимизда янги довонлар турибди. Келгусида янада юксакроқ хирмонлар яратиш мақсадимиз бор. Шунинг учун кузги-қишки тадбирларни вақтида ўтказиш, янги йил ҳосилига мустаҳкам замин яратишни ўйлаяпмиз.

Т. ЛАТИПОВ,
Боёвут районидаги «Коммунизм» колхози правлениесининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

ТАДБИРЛАРДА ҲИКМАТ КЎП

Агросаноат комплексининг барча жабҳаларида қайта қуриш, ошкоралик кенг қарор топмоқда. Кадрларни ганлаш ва тарбиялашга алоҳида эътибор қаратиляпти. Деярли ҳамма хўжаликлардаги раҳбар, мутахассис, бригадир ва агроучастка бошлиқлари демократия асосида қайтадан сайландилар. Район партия комитети ва район ижроия комитети илгари йиғилишларда ишдаги камчиликлар учун раҳбарларга чора кўриш билан машғул бўлардилар, холос. Иш қизиган пайтда далани бегона ўт босар, уни йўқотиш учун, шаҳарликлар, қурилиш ташкилотлари ишчилари, идора ходимлари, ҳатто мактаб ўқувчилари жалб этиларди. Бу хўжаликлар экономикасига жиддий путур етказарди.

Жорий йилда бу бутунлай барҳам топди. Буйруқбозлик, қоғозбозлик ўрнини амалий ишлар эгаллади. Деҳқоннинг ихтиёри ўзига берилди. Меҳнаткашлар орасида тарғибот ва ташвиқот ишлари кучайтирилди. Натижада 6 мингдан зиёд оила мавжуд пахта далаларини оталиққа олди. Оила, звено, бригада пудрати кенг йўлга қўйилди. Айрим хўжаликларда бригадалар ижара пудратига ўтишди. Масалан, Ҳамид Олимжон номли совхозда Аширматов бригадаси ижара шартномаси асосида 300 тонна пахта топширди, унинг ҳаммаси машиналар ёрдамида саранжомланди. Бригада механизатори Рауф Қодиров агрегат бункеридан 300 тонна оқ олтин бўшатиб, ҳамкасблари ўртасида рекорд қўйди.

Экинзорларимизда азалдан деҳқончилик қилиб келинмоқда. Қатор йиллар мобайнида алмашлаб экиш тўғри йўлга қўйилмаганлиги, деҳқончилик маданиятига аҳамият берилмаганлиги унумдорликни пасайтириб юборди. Шу боисдан агросаноат бирлашмамиз мутахассислари алмашлаб экиш устидан қатъий назорат ўрнатдилар. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирлари кўрилди, навбат билан гўнг солинди. Шу тариқа бу йил 7 минг гектар майдон маҳаллий ўғитга тўйинтирилди. Булар ўз самарасини кўрсатди. Она-Ватанга 39.500 тоннадан ортиқ оқ олтин етказиб бериб, йиллик планни 25 иш кунида бажардик. 234 та машина билан ялпи ҳосилнинг 23 минг тоннаси йиғиштириб олинди. Шуни таъкидлаш, ўринлики, ўтган йили шу муддат ичида план атиги 30 процент адо этилганди.

Қатор йиллардан буён планни барбод қилиб келаётган Ленин орденли «Москва» колхози деҳқонлари бу йил ҳақиқий ҳосорат кўрсатишди. Хўжаликда топшириқ 20 иш кунида уддаланди. Колхоз далаларида қариб 1.200 пудратчи оила ҳалол, фидокорона ишлади. Меҳнат аҳли ҳозиргача 8.400 тонна ўрнига 9,5 минг тонналик хирмон уйди. Шунингдек, шаҳардаги ипакчилик бирлашмаси, Ҳ. Носиров номли совхоз деҳқонлари мавсумда илғорлик қилиб, айни пайтда социалистик мажбуриятни ҳам бажаришди. Алишер Навоий номли колхоз, Ҳамид Олимжон номли совхоз меҳнаткашлари иккинчи довонни кўзлаб тер тўкмоқдалар.

Х. СУЮНОВ,
Жиззах агросаноат бирлашмаси кенгашининг раиси.

ИШБИЛАРМОН ЙИГИТ

Зомин районидаги «Ғалабанинг 40 йиллиги» совхозида бу йил машинада энг кўп пахта терган механизаторни суриштирганимизда раҳбарлар бироз иккиланиб қолишди.

— Механик-ҳайдовчиларимизнинг ҳаммаси ҳам сергайрат, меҳнатсевар, — деди директор Ўрол Абдуалимов. — Лекин энг кўп хирмон уйгани — Холиқул Бозоров. Хўжаликда обрў-эътибори ҳам яхши. Мавсумда унга тенг келадигани топилмади. Ҳозиргача машина бункеридан тўккан пахтаси 200 тоннадан ошиб кетди. Холиқул гапга нўноқ, аммо ишга уддабурон йигит.

Моҳир механизатор Жўрабой Абдулқосимов бошлиқ бригадада ишлар экан, У хўжалик ташкил этилганидан бери шу ерда. Касбининг устаси, тракторни ишлатишни ҳам, тузатишни ҳам пухта биларди. Кўкламда бригада далаларига уруғ қадашда фаол қатнашди. Ёз ойларида қатор ораларига ишлов беришда, жўяк олишда, экинни озиқлантиришда ғайрат кўрсатди. Терим агрегатини сифатли шайлаб, кузги мавсумда тўхтовсиз ишлатди.

— Коллективимиз ҳар қачонгидан мўл ҳосил етиштирди, — дейди моҳир бригадир Ж. Абдулқосимов. — Мавсумни уюшқоқлик билан ташкил этиб, ҳозиргача давлатга 847 тонна ўрнига 900 тоннадан зиёд дурдона топширдик. Бунда чевар теримчилардан Аширбиби Аҳмедова, Ойсара Йўлдошева, Ўроз-хон Нурматова, моҳир механизаторлар Карим Боймуродов, Эркин Жуманов қаторида Холиқул Бозоровнинг ҳам катта улуши бор. У машина билан 150 тонна пахта терib мажбуриятини олганди, сўзининг устидан чиқди.

Илғор механизатор Холиқул Бозоровни зангори кемалар ишлатилаётган пайкалда учратдик. Тўладан келган, устида комбинезон, бошида дўппи кийган йигит машинадан тушиб келди.

— Қўриқ совхозда ишлаётганимга тўрт йил бўлди, — деди у ийманибгина. — Ҳар йили ҳосил етиштиришда ва уни йиғиштириб олишда баҳоли қудрат иштирок этаяпман. Жорий мавсумда ҳамкасбим Ўрмон Тонготаров билан ўзаро мусобақалашиб ишладик. Ҳозиргача мен бункердан 208 тонна, мусобақадошим 190 тоннадан зиёд оқ олтин тўкдик.

«Ғалабанинг 40 йиллиги» совхози ташкил этилганига тўрт йил бўлди. Чўлқуварлар ҳеч қачон бу йилгидек юксак оқ олтин хирмони уймаган эдилар. Хўжалик аҳли пахта тайёрлаш планини райондагина эмас, областда ҳам ғолиблар қаторида бажарди. Она-Ватанга 6.130 тонна ўрнига 7 минг тоннадан зиёд хом ашё ҳадя этилди. Бунга ишбилармон механизатор Холиқул Бозоровнинг муносиб ҳиссаси қўшилган.

Р. ҚУЛДОШЕВ.

Арнасой районидаги Ворошилов номли совхознинг 5-бригадаси теримчилари Саида Исроилова (юқорида) ва Қаршигул Бобоёрова мавсум мобайнида кунига 140 — 150 килограммдан пахта терib, дугоналарига ўрнак бўлдилар. Бу чеварларнинг ҳар бири ҳозиргача 8— 9 тоннадан хирмон уйди.

Учинчи суратда сиз Янгиер районидаги Ҳамза номли совхознинг 1-бригадаси бошлиғи Салим Қувватовни кўриб турибсиз. У раҳбарлик қилаётган коллектив жорий йилда давлатга 480 тонна ўрнига 600 тонна оқ олтин сотди.

А. ТУРАЕВ ва О. АДИЯНОВ фотолари.

ХИЗМАТ ДАЛАГА КЎЧДИ

Сирдарё райони дала меҳнаткашлари конференция йилида сўз ва иш бирлигини таъминладилар: Ватан хирмонига 48.700 тонна, белгиланганидан 732 тонна кўп оқ олтин тортиқ этилди. Эришилган ютуққа пахтакорлар қаторида район ва шаҳар ташкилотлари, корхоналари, муассасаларининг ишчи ҳамда хизматчилари ҳам баҳоли қудрат ҳисса қўшдилар. Улар мавсумнинг қизғин дамларида қалб даъвати билан пахтазорга чиқиб, теримчилару механик-ҳайдовчиларга камарбаста бўлишди. Айниқса, район марказий касалхонаси коллективининг хизмати таҳсинга лойиқ. Бош врач Файзулла Солиевнинг айтишича, йиғим-терим кунларида хўжаликларда кўчма амбулатория ишлаб турди. Унда тажрибали шифокорлар, санитария маорифи уйи, дорихона ходимлари бўлиб, улар теримчилар ва суворийларга намунали тиббий ёрдам бердилар. Б. Ризанов, Э. Усмонов, Э. Саидасанова ва Э. Алимова каби саломатлик посбонлари меҳнаткашлар ҳузурида медицинага оид суҳбат ҳамда лекциялар уюштирдилар.

Бундан ташқари дала шийпонларининг ҳаммаси етарли дорн-дармонлар билан таъминланди, қишлоқ участка касалхоналари, фельдшерлик-акушерлик пунктлари янги тартиб асосида иш юритдилар.

А. БУРЛИЕВ.

КАШФЛАР

МАВСУМ ҚАҲРАМОНЛАРИ МИСОЛИДА КАТТА ҒАЛАБАГА ИЗОҲ

Шу йилнинг 13 май куни КПСС Марказий Комитетида агросаноат комплекси пудрат коллективларининг бир гуруҳ ходимлари билан учрашув бўлиб ўтганидан хабардорсиз. Ўша йиғинда Дўстлик районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхозининг ижарачи бригадаси бошлиғи Жозил Эргашев ҳам қатнашиб, у шахсан Михаил Сергеевич Горбачев билан мулоқотда бўлди. Бош секретарь кенгашда: «Сизлар ишдаги кайфиятни бўшаштирманглар. Биз сизларни, шу ҳаракатнинг кашшофларини табриклаймиз. Янги йўлдан биринчи бўлиб борувчиларнинг ҳамиша бошқалардан, эргашиб борувчилардан кўра масъулияти кўпроқ бўлади. Биринчи бўлиб йўл очадиган чанғичи зиммасига бир хил оғирлик тушса, шу йўлдан сирғаниб борувчи чанғичи зиммасига бошқачароқ оғирлик тушади. Шу сабабли мен сизларга партия Марказий Комитети номидан муваффақият тилайман», — деб таъкидлади.

— Бу сўзлар кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшди,— дейди Жозил Эргашев ўша унутилмас кунни эслаб. — Конференция йилида 267 гектар майдонда деҳқончилик қилиб, зўр меҳнат эвазига пайкалларнинг ҳаммасида нафақат планни, ҳатто мажбуриятни қоплайдиган даражада мўл ҳосил тўпладик. Уни йиғиштириб олишга эса ўн иш куни кифоя қилди, холос. Қабул пунктларига 707 тонна оқ олтин етказиб берилди. Ҳосилдорлик гектар ҳисобига 27,1 центнерни ташкил этди.

Бу ҳақдаги хушхабар октябрь ўрталарида тарқалганди. Ҳозир меҳнат аҳлининг эзгу нияти ҳам ўшалган. Яъни ҳар гектар ердан 32 центнердан, жами 853 тоннадан кўпроқ юқори сифатли ҳом ашё олинди. Унинг қарийб ҳаммаси машиналарда саранжомланди. Бригада саркорининг ўзи 215 тонналик хирмон уйди. Механик-ҳайдовчилардан Нафас Ёрлақабов, Ахтам Ҳолбеков, Холмурод Утаев ва Худойберди Қораев бункерлардан 120—180 тоннадан оқ олтин тўкишди.

— Ижара пудратини ҳеч муболағасиз тежамкорлик усули деб аташ керак, — сўзини давом эттиради Жозил Эргашев. — Ўтган йили гектарига 40 килограммдан кўп чигит сарфланганди, бу йил атиги 22 килограммдан тўғри келди. Натижада экиш мавсумининг ўзидан 9.497 сўм иқтисод қилинди. Унинг 3.253 сўми иш ҳақига қўшиб берилди. Энди йиғим-теримни олиб кўрайлик. Жами ҳосилни ўз кучимиз билан, агрегатлар ёрдамида саранжомладик. Устига устак хом ашё асосан юқори сортларга сотилди. Самарами? Ҳар центнер пахтанинг нархи сезиларли даражада арзонлашди. Демак, даромад ҳам шунга яраша бўлади.

Жозил Эргашевнинг сафдошлари областда талайгина. Туроб Зокиров — шулардан бири. У шартномага биноан Жиззах районидаги Навоий номли колхоздан эрта баҳорда 22 гектар ер олганди. Хотини Файзи опа, фарзандлари Тўлқин, Баҳодир, Ботир, Мавлуда ва Маҳбуба отанинг қанотига киришди. Ҳаммаси иш асосида меҳнатни ташкиллаштириш ва ҳақ тўлашнинг янги усули афзаллигига комил ишонч ҳосил қилди: аввало оила механизациялашган ва қўлда бажариладиган барча юмушлар сифатини ўз назорати остига олди, иккинчидан, маблағлар сарф-харажати ҳар бирининг бевосита кузатуви доирасида бўлди, яъни қилинмаган ишларни қўшиб ёзишга йўл қўйилмади ва, ниҳоят, учинчидан, илм-фан янгиликларини, илғорлар тажрибасини қўллашга кенг имконият яратилди. Оқибатда жами майдонда кутилганидан зиёд ҳосил тўпланди. Уни йиғиб-терib олишга уюшқоқлик билан киришилгани туфайли 1 октябрдаёқ дастлабки марра эгалланди. Бугунгача 55,9 тонна ўрнига 58 тонна оқ олтин тайёрланди. Эвазига 17 минг сўм даромад қўлга киритилди.

Абдукарим Кенжаев КПСС аъзолигига кандидатликка қабул қилингач, Янгиер районидаги «Ленинград» совхози партия комитети уни қолоқ бригадага бошлиқ этиб юборди. Абдукарим билардики, бригадир— раҳбар, ишлаб чиқариш командири, юксак ишонч соҳиби. У меҳнатни тўғри уюштиришни, қўл остидагиларни рағбатлантиришнинг мақбул шаклларини танлай билиши, коллектив олдига қўйилган вазифаларни тезроқ рўёбга чиқариш йўлида тинимсиз ишлаши керак. Бунда нафақат ҳаққоний гап, ширин сўз билан, балки принципиаллиги, ҳалоллиги туфайли одамлар қалбига йўл топиши, ижодий ташаббусларнинг қулф уришига ёрдам бериши, меҳнат ва турмуш шароитлари хусусида ғамхўрлик қилиши лозим. Ахир, аъзоларнинг меҳнати, ғайрат-шижоати, тажриба ва маҳорати орқалигина мўлжалдаги ҳосилни олиш мумкин. Янги бригадир ишни шу асосда юритди. Ҳамжиҳатлик билан меҳнат қилишнинг самараси шу бўлдики, заршунослар хўжаликда биринчилардан бўлиб ғалаба рапортига имзо чекдилар. Топшириқ 125 процент адо этилди.

Мирзачўл районидаги «Ўзбекистон» колхозидан Қудрат Тоҳиров, Омонгелди Болиев ва Асомиддин Тожибоев, Боёвут районидаги «Ғалаба» совхозидан Остонақул Ирисқулов, Октябрь районидаги Файзулла Хўжаев номли совхоздан Мамадиёр Нуралиев, Умрзоқ Нурбоев, Охунбобоев номли совхоздан Совурбой Комилов, Ширинбой Ражабов, «Уч қаҳрамон» совхозидан Файзулла Назарқосимов бошлиқ ва бошқа бригадалар ҳамда звеноларда ҳам гектар ҳисобига 30 — 35 центнердан ҳосил олинди. Бу коллективларнинг лабзи ҳалол, хирмони сарбаланд аъзолари: «Эришилган ютуқда бизнинг ҳам муносиб ҳиссамиз бор», — деб ҳақли равишда фахрланмоқдалар.

Айниқса шодиёна кунда дала гвардиячиларининг қувончи чексиз. Улар ялпи ҳосилнинг 565 минг тоннасини йиғиб-терib бердилар. Бу соҳадаги топшириқ 109 процент бажарилди. Беллашувда Дўстлик районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхозидан Бутуниттифоқ Ленин комсомоли мукофоти лауреати Маъди Қорабоев, акука Норбой ва Жуманазар Ғайбуллаевлар, Янгиер районидаги «Ленинград» совхозидан Котиб Силюков, Абдусамат Қодиров, Гулистон районидаги «Октябрь» колхозидан Исмат Болбоев ва бошқа ўнлаб механик-ҳайдовчилар байроқдорлик қилдилар. Уларнинг ҳар бири ҳозирга қадар бункерлардан 130 — 229 тоннадан дурдона тўкди.

Йиғим-теримнинг дастлабки куниданоқ кўпмингкилограммчилар ҳаракати кенг қулоч ёйгани, меҳнатга ҳак тўлашга янгича ёндашилгани ҳам муваффақият омилларидан бири бўлди. Сирдарё районидаги «Ленинград» колхозидан Розия Нурсаидова, Онахон Акбарова, Ильич номли колхоздан Муҳаббат Ҳамидова, Гулистон районидаги Фрунзе номли колхоздан Гулчеҳра Худойқулова, Бувизайнаб Шодиева, Янгиер районидаги «Ленинград» совхозидан Аширгул Умарова каби теримчилар мавсумнинг ҳақиқий қаҳрамонларига айландилар. Бу чеварлар 8— 10 тонналик хирмон уйишди.

715 минг тонна саноат хом ашёси! Унинг замирида нафақат пахтакорлар, суворийлару теримчиларнинг, балки ҳосилни ташувчилар, уни қуритувчилар, қабул қилувчилар ва қайта ишловчилар, шунингдек, дала меҳнаткашларига камарбаста бўлган ташкилотлар, корхоналар, муассасаларнинг ишчию хизматчилари ҳамда олий ўқув юртлари талабаларининг аргзиглик улуши мужассам. Шоир айтганидек:

Бизнинг ўйган хирмонга
Чамбар қилсанг чечакдан,
Юлдузлар шабнам мисол
Бўларди унга инжу.
Боласи ўйда қолган
Муштипар келинчакдан
Хизрсифат чолгача —
Барчанинг меҳнати бу.

И. ЎТБОСАРОВ.

Оқилой Файзи

Дам олиш саҳифаси

УЧ ЮЗ НАБИРАНИНГ МОМОСИ

ТУРМУШ ТАРЗИМИЗ

Рисолат Шомуродова оилавий «ферма»да колхоз молларини парваришлаш ғояси ўзида Марказий телевидениенинг «Сельский час» кўрсатувларидан бири намойишидан сўнг туғилган деб ҳисоблайди. Колхоз фермасидан кам маҳсул сигирларни ўз боқувига олган оила парваришни кучайтириш ҳамда интенсив озиқлантириш эвазига улардан соғилаётган сут миқдорини икки баравар оширишга, хўжаликдаги барча болалар боғчаси ва мактабларни бу неъмат билан таъминлашга эришганлиги ҳақида сўз борганди.

— Ўйлаб қолдим: мен ҳам таваккал қилиб кўрсаммикин? — деб эслайди Рисолат. — Фарзандларим фақат уйдагина сутдан баҳраманд бўлишарди. Қўрғонимизда доим сигир асрардик, болалар олти нафер, говмишсиз жуда қийин эди. Тўғричим Насим Совет Армияси сафида ўз бурчини ўтамоқда, қизим Бодом ишлаяпти, қолганлари мактабда ўқишади. Ҳозир ҳам қўрғонимизда сигир, новвос ва ғунажин, қўй, парранда боқяпмиз. Деҳқон чорасиз қандай тирикчилик қилади? Томорқамизда, айтиш мумкинки, ўз озиқ-овқат «магазин»имиз мавжуд. Сабзавот, полиз маҳсулотлари етиштирамиз, кичкина токзор, ўнлаб мевали дарахт, бир неча туп аноримиз бор. Оиламиз учун бемалол етади. Бундан ташқари ёз бўйи янтоқ, қамиш каби дағал озуқа жамғарамиз. Участкамизда дон ва кўкпоя учун маккажўхори, тут қатор ораларида беда ўстирамиз, колхоз ҳам озуқадан қарашиб туради. Маҳсулотларимизнинг бир қисмини давлатга сотамиз.

«Шофиркон» колхозида болалар боғчаларини озиқ-овқат билан таъминлашда қатор қийинчиликларга дуч келинарди. Шуниси қизиққи, хўжалик фермаси давлатга йилдан-йилга кўпроқ сут етказиб бермоқда, ҳар бир сигирнинг йиллик маҳсулдорлиги уч минг килограммгача бормоқда. 1985—1986 йилларда чорва қишлои якунларига кўра колхоз КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланди. Илғор сигирсоғар, Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси делегати Фазолат Шарипова эса юқори натижаларга эришганлиги учун Ленин орденига сазовор бўлди. Лекин шунга қарамай етказиш мушкуллиги сабабли болалар боғчалари ва яслиларга сут берилмайди. Улар учун кунига неча литр сут керак бўлади? Нари борса 50—60 литр. Шунча миқдордаги сутни қўлда ташиб улгуролмайсан, машина зарур, лекин у ҳам фойда келтирмайди, чунки ҳар бир боғчага 10 — 15 литрдан сут етказиб бериш учун ҳар куни фермадан олти тарафга қатнаш лозим.

Шундай бир шароитда Рисолат колхоз правлениесига бир таклиф билан кирди: «Оиламизда маслаҳатлашиб, колхоз болалари ҳақида ғамхўрлик қилмоқчи бўлдик. Зотсиз сигирларни бўрдоқига боқиш учун совхозга жўнатасизлар, ўшаларни бизга беринг, қандай натижаларга эришишимизни кўрасиз, ҳатто барча болалар боғчаларини ҳам сут билан таъминлаймиз».

Рисолат ва унинг умр йўлдоши Азим ҳаммасини хомчўт қилиб қўйишганди. Рисолат пенсияга қадар ишлаган Р. Эсонов бошлиқ бригаданинг эски дала шийпони ёнида кичкина молхона ва қўлбола бостирма бор эди. Эр-хотин фермани худди ана шу ерда жойлаштиришни мўлжаллашганди.

Колхоз правлениеси меҳнат ветерани Рисолат Шомуродованинг ташаббусини маъқуллаб «тишлари яроқсиз» (тишлари ўтмаслашиб қолган моллар етарли миқдорда озуқа чайнолмай маҳсулдорлиги пасайиб кетади) сигирлардан ўнтасини ажратиб берди. Рисолат икки ойда улар маҳсулдорлигини оширишга эришди. Ахир, бу сигирсоғар айни вақтда 25—30 бош сигирга қараши қаёқдаю алоҳида парвариш қаёқда? Шомуродова молларни оз-оздан беш маҳал озиқлантиради. Эндиликда колхоздаги ҳамма кичкинтойлар «Рисолат буви» деб атаётган бу аёлга икки қизи — магазин сотувчиси, оилавий фермага тушлик танаффусда ва ишдан сўнг келадиган Бодом билан ўнинчи синф ўқувчиси Бибиш кўмаклашади.

— Хўш, қалай? — деб сўрайман Рисолатдан. — Манфаати борми бу ишнинг?

— Бўлмасам-чи, — ҳозиржавоблик билан дейди у. — Тўрт йилдан буён пенсиядаман. 50 ёшимда чиққандим. Очиғини айтсам, катта оиланинг ташвиши ҳам катта бўларкан, олти болани оёққа турғазиш осон эмас. Фарзандларим улғайгандагина кўлим бўшади, қишлоғимиздаги бошқа жувонлар боғчаларга бидонча, термосларда сут таший-таший чарчашди. Ҳозир бу муаммо ҳал этилган. Топширилган сут миқдорига қараб ойига қирқ сўмлик пенсиямга кўшимча яна 95—100 сўмдан пул олаяпман.

Рисолатнинг оиласи колхоз марказида истиқомат қилади. Бу ердан мавжуд олти боғчага кўл узатса етгулик. Оилавий фермانинг оқ чашмаси шу йил апрелидан боғчалар томон оқа бошлади. Посёлка Совети уч боғчани оталиққа олгач, етиштирилаётган сут бошқа зарур жойларга ҳам тарқатилмоқда. Баҳор ойларида ғўза ниҳолларини бегона ўтлардан заҳарли химикатлар билан ҳимоя қилишда иштирок этаётган кишилар, колхоз гаражи ва трактор парки ходимлари, кузда эса ғўза дефолиациясида банд бўладиган ихтисослаштирилган отрядлар аъзолари ҳам сут билан таъминланмоқдалар.

Лекин энг асосийси кичкинтойлар ҳақида ғамхўрликдир. Рисолат билан учрашган кунимиз 6-бригада даласига бордик. Бундай оилавий ферма колхоз учун зарурми? — деган саволга ҳамма теримчилар бир овоздан: «Албатта керак, жажжиларимизга сут етказиб бераётган Рисолат опадан миннатдормиз. Ҳозир кўнглимиз тўқ — болаларимиз боғчада яхши боқилмоқда», — деб жавоб қилишди.

Фермадан боғчаларга сут етказиб бериш оддий усулда ташкил этилган. Ҳисоб-китобни Рисолат ва боғча хўжалик мудирлари олиб боришади. Сут тўлдирилган флягалар аравада ташилади, ҳар бир боғча ўз эҳтиёжига ярашасин олиб қолади. Машинага ҳожат йўқ, ўнлаб кишилар асосий ишдан чалғитилмайди. Колхозда мактабларни ҳам сут билан таъминлайдиган яна бир ферма тузиш мўлжалланмоқда. Хўжаликда олтита мактаб бор, аҳоли зич жойлашган. Бундай фермаларда ишловчиларни топиш қийин эмас, одамларни ишга жойлаштириш муаммоси ўткир бўлиб турибди.

Областнинг кўпгина хўжаликларида «Биз барчамиз болаларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўла таъминлаш тарафдоримиз, аммо планлар қисталанг бўлиб қолаяпти» ёки «Бунга ҳаммамиз кўшиламиз, лекин қўлимиздан ҳеч нарса келмайди!» каби сўзлар тез-тез эшитилиб туради. Шофирконликлар эса қуруқ ғаплардан амалий ишга ўтиш вақти етганлигини исботладилар. Фарзандлари зарур озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлароқ таъминланишлари учун ота-оналар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг барча соҳаларида юқори унум билан меҳнат қилишлари лозим.

С. АҲМЕДОВА.

МАШҲУР КИШИЛАР ҲАЁТИДАН

АЛЛОМАНИНГ ЭЪТИРОЗИ

Немис князликларидан бири машҳур танқидчи, Гёттинген университети профессори Авраам Готхелф Кестнерга хушомад тариқасида «Яширин юстиция маслаҳатчиси» унвонини беришга қарор қилади.

Қизиғи шундаки, тўғри сўз ва пок виждонли мунаққид бунга хурсанд бўлиш ўрнига билдирилган эҳтиромни қатъий рад этади ва унинг сохталигини қуйидагича ифодалайди:

«Мартабали зот! Биринчидан, менда сир сақлайдиган ҳеч вақо йўқ, иккинчидан, судтергов, яъни юстиция соҳасида етарли билим ва тажрибага эга эмасман, учинчидан, бировга маслаҳат бериш менинг қўлимдан келмайди».

БИР САҲИФАЛИ ХАТЛАР

Шоир ва файласуф Людвиг Уланд фикр-мулоҳазаларини қисқа ва лўнда баён этишда устаси франглардан эди. Маълум бўлишича, ноёб усул соҳиби, ҳатто ишқий сатрларни ҳам ана шу тарзда ифода қилган экан.

Кунларнинг бирида моҳир сўз устаси турмуш ўртоғи билан аллақандай тўгаракда иштирок этади. Фалсафий мушоҳада қизигандан қизийди. Уланд ўз ғояларини илгари суриш мақсадида эҳтиросли оҳангда: «Жаноблар, такрор ва такрор айтаманки, ҳар бир нарсанинг икки (манфий ва мусбат) томони мавжуд...» — дейди.

— Нотўғри. Менинг билишимча, икки томони бўлмаган нарсалар ҳам талайгина, — лўкма ташлайди алломанинг хотини томдан тараша тушгандек.

Барча иштирокчилар ҳангу манг бўлиб қолишади, нутқи бўлинган нотиқ жуфти ҳалоли томон ҳайратланиб қарайди ва киноясли оҳангда мурожаат қилади:

— Хўш, нима экан у. Бизлар ҳам билсак бўладими!

Эрининг ёзишмаларидан кўнгли хуфтон бўлиб келган аёл фурсатни бой бермайди:

— Марҳамат. Менга йўллаган мактубларингиз, жаноб Уланд!

Немисчадан Бойхўроз МАМАТҚУЛОВ таржимаси.



Ўрта Чирчиқ районидаги Чиғириқ посёлкаси кундан-кунга обод бўлиб бормоқда. Яқинда бу ерда «Юность» («Ёшлик») қаҳвахонаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Ҳар хил шарбатлар, спиртсиз ичимликлар, қандолатлар билан меҳмон қилаётган қаҳвахона йигит ва қизларнинг мароқли дам олиш жойига айланиб бормоқда.

Б. АЛИМОВ фотолари.

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

ТУЗ ВА ҚОН БОСИМИ

Ош тузини Платон «худоларнинг севимли моддаси», Гомер эса «илоҳий» деб атаган эди. Қадимги Римда йирик отрядларнинг аскарларига туз мояна тариқасида бериларди. Яна шу нарса маълумки, асримизнинг ўттизинчи йилларида ҳам Аддис-Абеба банкларидан биридаги темир сандиқда қуйма олтин қаторида Ҳабашистоннинг анъанавий валютаси — тахтакачланган чорқирра туз сақланарди.

Мабодо у ҳозир олтиндай қадрланмаётган бўлса, бунинг боиси Ер қаърида қимматбаҳо маъданга нисбатан ош тузи ёки қаттиқ тузнинг баробар кўплигидир: фақат қуруқликдаги қатламининг ҳажми тахминан бир ярим миллион куб километр келади. Бунинг устига шифокорлар «илоҳий» моддани кўп миқдорда истеъмол қилиш соғлиқ учун зарарли, деб тез-тез эслатиб турадилар.

Шубҳасиз организмимиз учун муайян миқдорда туз керак. Қонда 0,6 процент атрофида ош тузи бор. У организм ҳужайралари ва суюқлигининг осмотик тенглигини сақлаб туриш учун зарур. Натрий ва хлор ионларисиз асаб тўқималари ишлай олмаган бўлур эди. Хлор ошқозонда туз кислотасининг шира чиқариши учун керак бўлади.

Лекин буларнинг ҳаммасига гўшт ва сутли овқатлардан келадиган туз кифоя. Бироқ инсоннинг тузга иштаҳаси номўътадил бўлиб, физиологик эҳтиёжга нисбатан анча ортиқ.

Қаҳвахонага кирган қарийб икки минг хўранданинг туз истеъмол қилишини кузатган Австралия психологлари шуни аниқлашдики, овқатга туз қўшган кишиларнинг салкам тўртдан бир қисми уни аввал таътиб кўрган. Тадқиқотчилар тузни бундай истеъмол қилишни «ақлсизлик» деб изоҳлайдилар ва бангилик ихлосмандларига тенглаштирадилар.

Мельбурндаги экспериментал физиология ва медицина институти кўпчиликка хос тузга ҳаддан ташқари меҳр қўйиш — бизга узоқ ўтмишдаги боболаримиз — маймунлардан мерос бўлиб қолган сарқит, деб ҳисоблайди. Ўша жониворларда хлорли натрий мунтазам етишмаган, шунинг учун бу моддага беихтиёр интилиш бўлган эди.

Ўсимликларда натрий деярли йўқ даражада, бинобарин, жониворлар агар қаттиқ тузни ютиб олсалар, чиндан ҳам унга очкўзлик билан ташланадилар. Номаълум сабабларга кўра бу зарарли инстинкт одамларда ҳам сақланиб қолган.

Нима учун шифокорлар туз миқдорининг кўпайиб кетишига қаршилик кўрсатишади? Тузни кўп истеъмол қилиш билан юқори қон босими ўртасида дахлдорлик борлигини кўрсатувчи анчагина статистик маълумотлар тўпланган.

Ҳозиргача фойдаланиб келинаётган қон томири босимини ўлчашнинг оддий ва қулай усули ихтиро қилингандан сўнг тез орада, 1904 йилдаёқ француз врачлари ана шундай дахлдорлик тўғрисидаги фаразни илк бор олға сурдилар. Лекин буни исботлаган биринчи ишончли тажрибалар фақат асримизнинг ўрталарида ўтказилди, холос.

Масалан, америкалик физиолог Льюис Дэйл 20 йилдан кўпроқ вақт сарфлаб, 32.000 каламушни тажрибадан ўтказди. У жониворларга туз миқдори кўп бўлган овқат берди ва таъсир даражаси ҳар хил эканлигини аниқлади. Баъзи каламушлар 2—3 ойдан кейиноқ оғир гипертония касали билан оғриб ўлиб кетди, бошқалари бир йил ва ундан кўпроққа чидади, учинчиларда эса қон босими кўтарилди-ю ёмон оқибатларга олиб бормай, юксак даражада қолаверди. Ниҳоят, тўртинчи хилларига (улар қарийб 20 процентни ташкил этарди) тузли парҳез ҳеч қандай таъсир кўрсатмади.

Дэйл тузга муносабатдаги бу ҳар хиллик ирсиятга боғлиқлигини кўрсатиб ўтди. Агар одамлар орасида ҳам бу борадаги турлича ирсият гуруҳлари мавжуд бўлса, гипертония билан тузни кўп истеъмол қилиш ўртасидаги алоқани аниқлаш учун нега ярим асрдан кўпроқ вақт кетганлиги, шўрнамакни яхши кўрувчилар нимага юқори босим дардига учрамаганликлари тушунарлидир.

Маълумки, қандайдир модда ёмон таъсир этиши ҳақида шубҳаланилса, ҳеч ким уни овқатга қўшиб ейиш бўйича тажриба ўтказмайди. Лекин текширилаётган моддани керагидан зиёд миқдорда ихтиёрий истеъмол қилувчи кишининг соғлигини кузатиш мумкин.

Бундай маълумотлар дунёнинг кўпгина мамлакатларида тўпланган. Улар тузни кўп истеъмол этувчи кишиларнинг қон томири босими ўртачадан баландлигидан, гипертония касали билан оғриганлар сони ортиб боришидан далолат беради. Тузсиз воз кечиш кўп ҳолларда босимни туширишга кўмаклашуви ҳам исботланган. Бироқ шифокорлар бу дахлдорлик бир хил эмас, дейдилар.

Гипертониянинг ривожланишида туздан ташқари бошқа омиллар ҳам, масалан, таомдаги калий, кальций, мой миқдори, ниҳоят, одамнинг генетик ҳолати ҳам катта роль ўйнайди.

Н. ЗАЙЦЕВ,
СССР География жамияти аъзоси.

СПОРТ ҲИКОЯТИ

«ДНЕПР» — ЧЕМПИОН

Футбол бўйича СССР биринчилигининг олий лигасида мусобақалар яна икки турдан сўнг ниҳоясига етади. Лекин унинг голиби ҳозирдаёқ маълум. Днепропетровскнинг «Днепр» командаси чемпион деган унвонни ўз тарихида иккинчи марта қўлга киритди. Коллективнинг олтин медални олиш учун кураши осон бўлмади. Днепропетровсклик футболчиларга юксак ўрин учун мамлакатимизнинг «Динамо» (Киев), «Спартак», «Торпедо» (Москва), «Жальгирис» (Вильнюс) сингари кучли клублари билан баҳслашишга тўғри келди. Нафақат мавсум арафасида, ҳатто яқин вақтларгача ҳам «Днепр»нинг чемпион бўлишини ҳеч ким кутмаган эди. Аммо команданинг маҳоратли футболчилар билан тўлиқланиши ҳар бир учрашувни юксак даражада ўтказиш имкониятини берди. «Днепр» ўз майдонида ҳам, сафарда ҳам яхши ўйин кўрсатди, ҳаммадан кўп очко тўплади. Натижада днепропетровсклик футболчилар мудатидан илгари олтин медаллар соҳиби бўлишди. Улар бунга ўз майдонларида Вильнюснинг «Жальгирис» командасини 3:1 ҳисобида енгиб, эришдилар. Тўпларидан иккитаси ҳужумчи Евгений Шахов ҳисобига ёзилди. У мавсумда киритган жами тўплари сонини 16 тага етказиб, ҳужумчилар баҳсида якка карвонбоши бўлиб олди.

Чемпион маълум, совриндорлар-чи? Кумуш ва бронза медаллари қайси командаларга насиб этади? Ишқибозларни қизиқтираётган бу саволлар чамаси сўнгги турда узил-кесил ҳал бўлади. Ҳозирча юқори ўринларга уч коллектив — Киев динамочилари, Москва торпедочилари ва спартакчилари даъвогарлик қилаяптилар. Улар жамғармасида 39, 38, 37 тадан очко бор. «Жальгирис» эса чемпионга 1:3 ҳисобида ютқазганидан сўнг бу командаларга етиб олиш имкониятини бой берди.

ОМАД КЕЛМАГАНДА

Чим хоккей бўйича мамлакат чемпионатининг олий лигасида ўйнаётган республикамизнинг учала командаси ҳам навбатдаги турда ютқазиб қўйди. Андижоннинг «Звезда» клуби «Раздан» командаси билан бўлган учрашувда рақибларининг бир тўпига жавоб беролмади. «Старт» (Ленинск) «Азинефтехим» (Боку) коллективидан 0:2, «Химик» (Фарғона) эса «Динамо» (Олмаота) командасидан 2:3 ҳисобида енгилди. Ҳолбуки, ҳамюртларимиз ўз майдонларида ўйнадилар. Лекин қулай имкониятдан фойдалана олишмади.

Чемпионатда Олмаота динамочилари биринчи ўринда бораяптилар. Командининг бу йил ҳам олтин медалга сазовор бўлиши аниқ кўринади.

ГАЗЕТХОН ИЛҲОМИ

СЕНИ СЕВДИМ

Бахтим бўл, баҳорим бўл,
Яшнаган ёруғ куним.
Тошлар асло тегмасин,
Сендан ҳайиқсин ўлим!

Бахтим бўл, баҳорим бўл,
Бағрингда мен кулайин.
Умримнинг сўнггида ҳам
Сени қучишим тайин.

Бахтим бўл, баҳорим бўл,
Куйиб кул бўлсин ғаним.
Яхши-ёмонинг билан
Сени севдим, Ватаним!

Салима ҚИЛИЧЕВА.
Самарқанд область
Нурота райони.

КЕЛИНГ, БИР КУЛИШАЙЛИК!

ҚУВНОҚ ҲАНДАЛАР

Врач даволаётган беморга ётғи билан деди:
— Сиз довюрак, мард одамсиз — буни яхши биламан. Шунинг учун ҳам бир нарсани сиздан яширмай, шартта айтмоқчиман.
Бемор ташвишу ҳаяжон билан сўради:
— Нима гап, доктор, менинг дардим оғирлашиб қолдими!
— Йўқ, унақа эмас, ташвишланманг.
— Нимани яширмай шартта айтмоқчисиз бўлмаса!
— Белни маҳкам боғлаб, сира қўрқмасдан эртага ишга чиқишингизга тўғри келади. Шуни шартта айтмоқчийдим...

* * *

Ўқитувчи ўқувчиларга мурожаат қилди:
— Болалар! Бугун ой тутилади. Уни ҳаммаларингиз ўз кўзларингиз билан кўришларингиз керак.
— Ура! Қайси пайтда! — дея сўрашди болалар.
— Соат 23 дан 40 минут ўтганда.
Кейин болалар яна чуғурлашди:
— Қайси программада!..

* * *

Тириклигида эрига ёмон хотин бўлган аёл у вафот этгач, кўмиш учун қабристонга олиб кетишаётганда додлаб йиғлаб қолди. Кейин ёнгинасида турган дугонасига надомат билан деди:
— Раҳматли эрим жуда яхши одам эди: мўмин, қобил, ширин сўз. Уни жудаям севардим. Биласанми, ҳозир унинг ортидан ҳатто қабристонгаям боришга тайёрман. Оҳ, жонгинам!...
Шунда дугонаси миймғида кулиб деди:
— Қўй, дугонажон, эрингга раҳм қил. Шўрликкина энди ҳеч бўлмаса гўрда тинч ётсин!...

* * *

Рўпарадан келаётган басавлатгина йигитни кўриб қолгач, бир киши ёнидаги ҳамроҳига деди:
— Ҳў, анави одамни кўришга — рост гап — сира-сира тоби-тоқатим йўқ!
Иккинчи киши ҳам ўша басавлат йигитга кўзи тушди-ю юзини терс ўгириб деди:
— Мен ҳам унинг дийдорини кўрмасам дейман. Шу одам билан яхшиси учрашмасам...
— Демак, сен ҳам менга ўхшаб ундан қарздор экансан-да!

Тўпловчи: Т. МАҲМУДОВ.

ГУВОҲНОМАСИЗ ҲАЙДОВЧИ

Германия Федератив Республикасининг полицияси сохта ҳужжат билан ўн уч йил давомида юк машинасини бемалол ҳайдаб юрган шоферни тутиб олди. Маълум бўлишича, 1973 йилдан 1975 йилгача автомобилни бошқариш ҳуқуқидан тўрт марта маҳрум этилганлиги уни шундай йўл тутишга мажбур қилган экан.

САНЪАТКОР САРТАРОШ

Модалар қанчалик ранг-баранг бўлади. Баъзилар ҳаммани лол қолдирувчи либосларни ўйлаб топишса, бошқалар одамнинг юзини тамоман ўзгартириб юборадиган пардозандозни ихтиро қилишади. Нью-Йоркда яшовчи Терри Нидциалек эса фақат сочни турмаклаш билан шуғулланади.

Унинг санъатини музей ёки кўргазма залига эмас, балки бошнинг тепасига жойлаша оладиган ҳайкалтарошлик асарига қиёслаш мумкин. Сартарош қизнинг асосий «бинокорлик материали» — сочдан ташқари сим, бўёқ ва ўсимликдан иборат. Унинг турмаклаш мавзуи хилма-хил. Терри кўпинча тарихга, баъзан эса сиёсатга ҳам мурожаат қилиб туради.

СЕРЖАҲЛ БУҒУ

Йўлда шоферларни қандай ҳодисалар кутмайди дейсиз! Ҳатто энг устаси франглар ҳам содир бўлажак воқеани олдиндан айтиб беришга қодир эмаслар. Арманистоннинг Дилижон шаҳридаги «Импульс» заводи ходими А. Оганесян бошидан кечирган ҳодиса бунга гувоҳ бўла олади.

Узоқ йўл босиб чарчагани учун нафасини ростлаш мақсадида тўхтаб турган пайтида у худди ҳужум қилишга шайлангандек машина томон югуриб келаётган, катта шохлари тарвақайлаб кетган буғуни бехосдан кўриб қолди. Омадсиз ҳайдовчи моторни ўт олдириб, жўнаб кетгунча буғу ўзининг пўлат «рақиби»га сезиларли даражада зарба беришга улгурди: жон-жаҳди билан калла уриб, машина қаноти ва эшигини пачоқлади, ойнасини чил-чил қилди. Ўрмон гўзали «жанг майдони»да ғолиб чиқди.

ТАДҚИҚОТЧИ КАПТАРЛАР

Кўп замонлардан бери каптарлар почтальон вазифасини бажариб, мактубни айтилган манзилга етказиб беришини яхши биламиз. Лекин уларнинг одамларга келтирадиган нафи шу билан чекланмайди. Масалан, Киев олимлари каптарлар фойдали қазилмаларни излаб топишда инсонга ёрдам бериши мумкин, деб ҳисоблайдилар.

Гап шундаки, учаётган қушларнинг мияси ер қобиғидаги магнит ва тортиш хусусиятига эга майдонларни сезади. Каптарлар калласига мустаҳкамланган электродлар буни дарҳол «илиб» олишга ёрдам беради. Қушлар биқинидаги ранцев узатгичи эса инсон қайд этиши мумкин бўлган тегишли радио сигналларни беришга қодир.

ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ!

УСАЁТГАН ОРОЛ

Краснодар ўлкасининг Голубицк қишлоғи аҳолиси бир куни кечаси Азов денгизи томонидан эшитилган даҳшатли шовқин-суронданд уйғониб кетди. Қўрқув босган одамлар деразадан қараб, соҳилдан тахминан уч юз метр чамаси нарида, денгиз сатҳида сувости кемасини эслатувчи сирли шарпа пайдо бўлганини кўришди. Лекин детектив ишқибозларининг ҳафсаласи дарров пир бўлди.

Денгиз гирдобидан қўпорувчилар тушган кема эмас, балки бор-йўғи... орол кўтарилган эди. Ҳозирча унинг узунлиги қирқ метрга яқин, баландлиги эса деярли икки ярим газ келади. Нега энди «ҳозирча»? Чунки орол ўсишда давом этмоқда.

БИР СЎЗНИНГ ИККИ МИНГ ХИЛ МАЪНОСИ

Мавзу жиҳатидан детектив кеби қизиқиш уйғотадиган илмий ишлар мавжуд бўлса-да, диссертацияларни ўқийдиган кишилар кам топилади.

Испанияда бир адабиёт ўқитувчисининг минг саҳифали илмий тадқиқоти ана шундай ютуққа эришди. Пиреней ярим ороли кишиларини қизиқтирган нарса нима экан, деб сўрарсиз. Маълум бўлишича, катта имкониятлар эгаси ҳисобланган фан доктори испан тилида оддий ичкиликбозликни ифодаловчи қарийб икки мингга яқин ҳар хил иборалари излаб топган экан. Қизиқ, шундай тадқиқот бизнинг мамлакатимизда ҳам ўтказилганмикин?



«МУАЛЛИФЛАР» ЧАЙНВОРДИ

1. Арман адабиётида танқидий реализмга асос солган ёзувчи, утопик социалист. 2. Турк ҳажвчиси. 3. Чили шоири, жамоат арбоби. 4. Қирғизистон халқ ёзувчиси. 5. Ўзбекистон халқ шоири. 6. Француз ёзувчиси. 7. «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон» асарининг муаллифи. 8. Озарбайжон совет ёзувчиси. 9. Илмий-фантастик романчиликнинг тўнғич вакилларидан бири бўлган француз романнависи. 10. Ўзбек-демократ шоираси. 11. Ўзбекистон халқ шоири. 12. «Бонивур қалби» романини ёзган адиб. 13. Ўзбек совет жангчи шоири. 14. Машҳур ҳинд адиби. 15. «Жан Кристоф», «Робеспьер» романларини ёзган, Советлар дўстлигига бир неча бор келган француз ёзувчи. 16. «Маккуна» тахаллуси билан шеър битган ўзбек маърифатпарвар шоираси. 17. Машҳур Литва ёзувчиси 18, «Жаҳон миқёсидаги прозаик» деб танилган, «Ўзга эҳтиросларга» қиссасининг муаллифи. 19. СССР Ёзувчилар союзи ташкилотчиларидан бири. 20. «Степан Разин» тарихий романининг муаллифи. 21. Ўзбек совет шоираси. 22. «Тақдир», «Булоқбоши» асарларини яратган доғистонлик ёзувчи. 23. Халқаро Ленин мукофоти лауреати бўлган бразилиялик ёзувчи. 24. Совет шоири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Тузувчи
Фаёз ҒАФУРОВ.

Редактор
А. Ғ. МУХТОРОВ.

Р. — 14224. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. А. 2141. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12